4.000.000 тоннадан ошди

Қишлоқ ҳақиқати

Кундалик ижтимоий-сиёсий рўзнома

1991 йил 22 октябрь
СЕШАНБА
№ 204 (5.247).
БАҲОСИ 8 ТИЙИН

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган ♦ Ҳафтада беш марта чоп этилади

ҚАШҚАДАРЁНИНГ КАТТА ХИРМОНИ

Қашқадарё вилояти меҳнаткашлари катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Улар 1991 йил пахта тайёрлаш режасини муддатидан илгари ошириб бажариб, зафар маррасига республикада учинчи бўлиб етиб келдилар. Тайёрлов пунктларига режадаги 474,5 минг ўрнига 485 минг тоннадан зиёд қимматли хом ашё етказиб берилди.

Бу катта ғалаба осонликча қўлга киритилмади, албатта. Вилоят деҳқонлари, мутахассислари, пахтачиликка дахлдор барча соҳа кишилари эрта баҳордан фидокорона меҳнат қилиб, табиат қийинчиликларини ўзларининг тадбиркорликлари билан енгдилар. Айниқса Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ районларининг пахтакорлари ҳосил етиштириш учун кўп заҳмат чекдилар. Улар кўп майдонларда чигитни қайта экишга мажбур бўлдилар. Миришкорларнинг ўз касбларига бўлган меҳр-муҳаббатлари, бутун маҳоратларини ишга солганликлари туфайли далаларда юқори ҳосил етиштирилди ва уюшқоқлик билан йиғиб-териб олинди.

Вилоят заршунослари йиғим-теримда асосий диққат-эътиборни зангори кемалардан унумли фойдаланишга, дала дарғалари учун зарур шарт-шароитлар яратиб беришга қаратдилар. Шунинг учун ҳам ялпи хирмоннинг 67 фоизи агрегатлар билан саранжомлаб олинди. Ҳосил йиғим-терининг энг қизғин кунларида вилоят пахтазорларида 3,5 мингта зангори кема унумли ишлатилди. Уларнинг кучи билан ҳозиргача ўртача 100 тоннадан хом ашё терилди. Айни пайтда вилоятда кўпмингкилограммчилик ҳаракати кенг қулоч ёйди. 75 мингдан зиёд теримчи кучи билан ялпи хирмоннинг учдан бир қисми яратилди. Шаҳрисабз районидаги «Коммунизм» жамоа хўжалигининг Р. Сатторова, Усмон Юсупов районидаги 26-давлат хўжалигининг О. Очилова, Қарши районидаги 8-давлат хўжалигининг Т. Ойназарова сингари моҳир теримчилари ҳозиргача 8—10 тоннадан дурдона териб, ҳамкасбларига намуна бўлмоқдалар.

Вилоят заршунослари миқдор билан бирга хом ашё сифатига ҳам алоҳида эътибор бермоқдалар. Тайёрлов пунктларига етказиб берилган ҳосилнинг 91 фоиздан ортиғи биринчи навларга қабул қилинганлиги бундан далолат беради.

Пахтакорларнинг катта меҳнат ғалабасига Баҳористон, Ульянов, Муборак, Усмон Юсупов районларининг меҳнаткашлари муносиб улуш қўшдилар. Улар бир неча кундан бери топшириққа қўшимча равишда хом ашё сотмоқдалар. Вилоятнинг бошқа районлари ҳам ҳосилдорликни ошириш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш ва унинг сифатини яхшилаш учун курашиб, вилоят ғалабасига ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Бу йилги мавсумнинг ўз машъаллари бор. Косон районидаги 38-давлат хўжалиги, Ғузор районидаги Ленин номли, Қарши районидаги «Москва», Нишон районидаги 11-давлат хўжаликлари ҳозиргача белгиланган топшириқни 115—135 фоизга адо этдилар. Баҳористон районидаги 35-, Муборак районидаги 7-а, Ульянов районидаги «Партия XXIV съезди» давлат хўжаликлари ялпи ҳосилнинг 90 фоиздан зиёдини зангори кемалар билан йиғиштириб олишди. Қамаши районидаги Гагарин номли давлат хўжалиги механик-ҳайдовчиси Муса Қурбонсаидов, Усмон Юсупов районидаги 26-давлат хўжалиги механизатори Ҳайитбой Ҳазратов, Баҳористон районидаги 29-давлат хўжалиги дала дарғаси Тоғай Ниёзметов, Шаҳрисабз районидаги «Пахтакор» жамоа хўжалиги суворийси Фарҳод Суюмов, Қарши районидаги 8-давлат хўжалиги механизатори Ўрол Мавлонов ва бошқа механик-ҳайдовчилар 130-180 тоннадан ошириб дурдона териб, вилоят хирмонининг юксалишига катта ҳисса қўшдилар.

Ҳозирги пайтда вилоятдаги 8 район, 66 давлат хўжалиги, 18 колхоз, 3 мингдан зиёд бригада топшириққа қўшимча равишда хом ашё топширмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фермонига мувофиқ режадаги ҳосилнинг 5 фоизи ва топшириққа қўшимча равишда тайёрланган хом ашёнинг ҳаммаси хўжаликлар ихтиёрида бўлиши вилоят заршуносларини янги марраларни забт этишга чорламоқда.

Қашқадарё пахтазорларида ҳали ҳосил мўл. Вилоят бўйича яна камида 50—55 минг тонна оқ олтин йиғиштириб олиш ва ялпи хирмонни 530 минг тоннадан ошириш учун имконият мавжуд. Қашқадарёнинг қайноқ қалбли заршуносларини катта меҳнат ғалабаси билан муборакбод этиб, пешона тери эвазига етиштирилган ҳосилнинг сўнгги мисқолигача йиғиб-териб олишларида уларга муваффақиятлар тилаймиз.



Қўриқ Усмон Юсупов районининг заршунослари 21 минг гектар майдонда деҳқончилик қилиб, 45 минг тоннадан зиёд пахта топширишга муваффақ бўлдилар. Район хўжаликлари бир ҳафтадан бери топшириққа қўшимча равишда оқ олтин сотмоқдалар. Дала дарғалари 140—160 тоннадан ошириб жавоҳир териб, хирмонга барака киритаяптилар. Ульянов номли, Беруний номли давлат хўжалиги суворийлари мусобақада олдинги сафда боришаяпти. Уларнинг кўпчилиги ҳозиргача 200 тоннадан ошириб дурдона теришди.

СУРАТДА: Беруний номли давлат хўжалиги моҳир механизатори Ислом Қувондиқов.

Ш. СУЛТОНОВ олган сурат.

ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

МОСКВА, 18 октябрь. (ТАСС махсус мухбири). Саккиз республика раҳбарлари бугун Кремлда суверен республикалар иқтисодий ҳамкорлиги тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Ўнинг мақсади— мамлакатни тангликдан олиб чиқиш, халқ хўжалиги алоқаларини тиклаш, ишлаб чиқариш таназзулини тўхтатиш ва пул тизимини изга солиш юзасидан ҳамкорлик қилиш учун барча республикаларга умумий негизни яратишдан иборат.

Катта Кремль саройининг Георгий залида шартномани: Арманистондан — Республика Президенти Левон Тер-Петросян, Белоруссдан — Олий Кенгаш Раиси Станислав Шушкевич, Қозоғистондан — Республика Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистондан —республика Президенти Асқар Акаев, Россиядан — республика Президенти Борис Ельцин, Тожикистондан — республика Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Акбаршо Искандаров, Туркманистондан — республика Президенти Сафармурод Ниёзов, Ўзбекистондан — республика Президенти Ислом Каримов имзоладилар.

Шартномани СССР Президенти Михаил Горбачев имзолаб тасдиқлади.

СССР Президенти бугун Кремлда саккиз республика имзолаган суверен республикаларнинг иқтисодий ҳамкорлиги тўғрисидаги шартномани мамлакат ҳаётидаги «жуда катта воқеа» деб атади. У имзолаш маросимидан сўнг Катта Кремль саройининг Владимир залида журналистлар билан учрашувни ана шу сўзлар билан бошлади.

У республикалар бу воқеага «узоқ йўл босиб келганликларини», «катта ғовларни енгиб ўтганликларини» айтди. «Бугун шундай катта қадам ташланиб, ушбу шартнома имзоланган экан, бу жамиятда биргаликда яшаш, муаммоларни биргаликда ҳал қилиш, тангликдан биргаликда чиқиб олиш ва барча халқлар манфаатларини кўзлаб, жўшқин тараққиёт йўлига чиқиб олиш истаги кучли эканлигининг далилидир, мана шу истаклолий ҳокимият органлари ва республикалар раҳбарлари тутган йўлда ифодаланмоқда», — деб таъкидлади СССР Президенти.

Михаил Горбачев журналистларнинг саволларига жавоб қайтариб, шартномага «бошқа республикалар ҳам қўшиладилар». Шу жумладан Украина, Озарбайжон ҳам қўшилади, деб ишонч билдирди, шартномани Молдова раҳбарлари ҳам қўллаб-қувватламоқда. СССР Президенти бу республикалар «вақтни чўзиб ўтирмай шартномага қўшилишлари» учун улар билан музокараларда иштирок этишга тайёр эканлигини айтди. «Украинанинг шартномага эътирозлари бор, эндиликда уларнинг кўпи бартараф этилди, айрим бандларгина қолди, менимча, улар ҳам равшанлаштирилади», деб илова қилди Президент.

Шунингдек, Михаил Горбачев, унинг фикрича, «шартнома амал қилишини, чунки ҳозирги танг вазиятдан чиқишнинг бошқа ишончлироқ усули йўқлигини» таъкидлади. Шартнома бажарилишининг кафолати, деди у, «аввало барча республикалар ҳозирги танг вазиятдан фақат биргаликда чиқа олишимизни англаб етганликларидадир».

СССР Президенти «жамиятда тотувлик кучайиб бораётганига қарамай», «буни ҳамма сиёсатчилар ҳам англаб етмаганлигини ва сиёсий ўйинни тўхтатмаётганликларини, яна сайловолди кампаниялари муносабати билан қандайдир йўл билан енгил обрў топишга уринаётганликларини» таъкидлади. Лекин олдинда «вазиятни қўлга олиш учун қийин давр, оғир ечимлар, халққа мақбул бўлмайдиган чоралар турибди», деди у. «Аҳил бўлмасак биз вазиятни қўлга ололмаймиз» деб таъкидлади Михаил Горбачев ва «бундан буён ҳам муҳолифлик йўлидан, қаттиқ қарама-қаршилик йўлидан борадиган бўлсак, у ҳолда оғир вазиятга тушиб қоламиз, бундай вазият ортидан фақат фалокат келиши мумкин», деб илова қилди.

Мустақил давлатлар ўртасидаги янги иқтисодий муносабатларнинг янги асоси бор. — Унда «қаттиққўл марказ йўқ», деди Россия Президенти Борис Ельцин. «Бозор муносабатларига ўтиш чоғида ва айниқса, ҳозир бизни қийин ва оғир қиш ойлари кутаётган бир пайтда бу жуда муҳимдир», — деди Россия раҳбари.

РСФСР Президенти эҳтиросларга берилмаслик керак, деб огоҳлантирди. Яна 18—20 битим бор, шартномани ижро этиш йўлида ва шу шартномани амалга ошириш учун ана шу битимларни имзолаш керак, деди у. Агар шартнома «ишлайдиган бўлса», деди Россия Президенти, «у келгуси йилнинг сентябригача ёки кузигача Россиядаги, мамлакатдаги вазиятни ҳар ҳолда барқарорлаштиришимизга ёрдам беради, шундан сўнг одамлар турмушини яхшилаш, уларнинг турмуш даражасини ошириш бошланади». Россия раҳбари шундай бўлишига ишонч билдирди, лекин унинг гапларига қараганда, ислоҳотларни — молиявий, иқтисодий, аграр ислоҳотларни, юқоридан қуйигача ижроия ҳокимият тузилишини ислоҳ этишни тез ва жўшқин амалга ошириш учун одамларга ёқмайдиган, лекин зарур чораларни кўришга тўғри келади.

Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев имзоланган тарихий ҳужжатдан зўр мамнуният изҳор қилиб шуни таъкидладики, «ҳозирги вақтда энг муҳими — барча республикалар битимнинг ҳамма бандларини бажаришларидир. Республикаларнинг парламентларида ягона иқтисодий маконни барпо этмай туриб ҳозирги иқтисодий тангликдан ёлғиз чиқа олмаслигимизни, ниҳоят, тушуниб етишлари лозим».

(Давоми 2-бетда).

ҲОСИЛ ЙИҒИМ-ТЕРИМИ ЯКУНЛАРИ

ХИРМОНГА БАРАКА 1991

Қорақалпоғистонда ва республика вилоятларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 21 октябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Вилоятлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Шу жумладан машинада терилгани: Бир кунда	Мавсум бошидан
БУХОРО	0,83	106,60	0,55	82,44
ФАРҒОНА	0,61	102,00	0,52	93,74
ҚАШҚАДАРЁ	1,11	100,48	1,02	109,33
Жиззах	1,27	95,90	1,51	117,32
Сирдарё	1,06	95,27	0,94	106,69
Наманган	1,98	94,01	1,40	100,46
Сурхондарё	1,58	93,78	1,22	101,32
Андижон	1,61	90,61	1,60	98,19
Тошкент	1,48	87,98	1,47	97,01
Самарқанд	2,04	84,51	2,10	91,40
Хоразм	1,18	69,50	0,81	40,47
Қорақалпоғистон республикаси	1,30	67,46	1,02	65,76
Республика бўйича	1,32	91,79	1,20	94,91
ШУ ЖУМЛАДАН ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ПАХТА				
Сурхондарё	1,81	94,04	—	—
Қашқадарё	1,59	92,35	—	—
Бухоро	2,81	85,36	—	—
Наманган	1,82	77,33	—	—
Андижон	0,83	31,79	—	—
Республика бўйича	1,78	92,47	—	—

ҒАЙРАТНИ БЎШАШТИРМАНГ, МАНЗИЛ ЯҚИН!

Мустақил Республика заршунослари тўртинчи миллион оқ олтинни йиғиштириб, давлатга топширишлари осон кўчмади. Бунинг учун ўн кун керак бўлди. Ваҳоланки, 1988, 1989 йиллари тўртинчи довон 8—9 кун, ўтган йили эса 7 кунда эгалланганди. Баҳорда табиат инжиқликлари туфайли рўй берган қийинчиликлар, ҳароратнинг нисбатан паст келиши ҳосилни етилтиришга муайян даражада таъсир ўтказди.

Уюлган хирмонга Бухоро ва Фарғона вилоятларининг деҳқонлари алоҳида ҳисса қўшдилар. Улар йиллик режани муваффақиятли бажарганликларига қарамай суръатни бўшаштиришмаяпти. Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент, Сурхондарё ва Наманган вилоятларининг пахтапарварлари сўнгги ўн кунликда 90—100 минг тонналик улушлари билан ҳисса қўшдилар. Ана шу муддат ичида терилган ҳосилнинг 60 фоиздан ортиғи зангори кемалар бункерларидан тўкилди. Далаларда 22 мингтагача машина ишлади. Сўнгги ўн кунликда ҳар бир агрегат ҳисобига 25—30 тонна хом ашё тўғри келди. Жиззах, Қашқадарё, Тошкент, Наманган вилоятларида бу кўрсаткич 35—40 тоннани ташкил этди.

Қашқадарё вилоятининг азамат деҳқонлари 5 кун аввал машинада пахта териш режасини ўринлатишганди. Энди эса зафар марраси эгалланганлиги ҳақида ахборот бердилар. Улар мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиб, суръатни сусайтиришмаяпти. Республика далаларида бир миллионга яқин теримчи ишлади. Ҳар бир теримчи ҳисобига ўрта ҳисобда 35—40 килограммдан пахта тўғри келди. Бухоро ва Самарқанд вилоятлари чевар теримчилари суръат ва сифатда ўрнак бўлишди.

Мавсум ўз қаҳрамонларини яратди. Илғорлар тажрибаси, техникадан унумли фойдаланган, ялпи сафарбарликни таъминлаган Когон, Шофиркон, Арнасой, Мирзачўл, Косон, Чироқчи, Нишон, Норин, Пахтачи, Жарқўрғон, Меҳнатобод районларининг сўзида устивор заршунослари маррага етдилар. Мирзачўл районидан Сегизбоев номли, Пахтакор районидан Кичанов номли, Оқолтин районидан Тоиров номли, Боёвут районидан Носир Маҳмудов номли, Нишон районидан Чўли Бегимқулов номли совхозларда йиллик режа 110—120 фоизга бажарилди. Бугунги кунда техника қудратини амалда намойиш этган Киров районидаги Киров номли совхоздан Турсун Мажидов, Фрунзе районидаги «Сирдарё» давлат хўжалигидан Солижон Деҳқонов, Қамаши районидаги Гагарин номли совхоздан Муса Қурбонсаидов, Риштон районидаги Наримонов номли колхоздан Ахтам Болтаев, Вобкент районидаги «Октябрь» жамоа хўжалигидан Муаффар Акромов каби механизаторларнинг номи кўпчиликка таниш. Улар мавсумнинг чинакам қаҳрамонларидир. Шу кунгача 66 район, 340 колхоз, 220 совхоз, 15 мингга яқин бригада йиллик режани бажарди. Ялпи тайёрланган ҳосилнинг қарийб 84 фоизи биринчи навларга топширилди.

Р. НАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг пахтачилик бошқармаси бошлиғи.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ОЗАРБАЙЖОН: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ САҲИФАСИ

Кекса Каспий ва саҳро қум барханлар икки қардош халқ — ўзбеклар ва озарбайжонларнинг бир-бирига яқинлашуви йўлида ҳеч қачон ғов бўла олмаган. Бу халқларни муштарак тарихий тақдир, маданият, анъаналар ва урф-одатларнинг ўхшашлиги азалдан бирлаштирибгина қолмай, сиёсий, иқтисодий, маданий, илмий алоқалар мунтазам ривожланиб келган, анъанавий дўстлик ва ҳамкорлик мустаҳкамланган. Озарбайжон ва Ўзбекистоннинг мустақил республикалар, деб эълон қилинганлиги бу муносабатларга янги омил бағишлади. Шу октябрь кунларида тарихий қадам қўйгандан сўнг, яъни икки республиканинг давлатлараро муносабатлари қоидалари тўғрисидаги шартнома ва савдо-иқтисодий ҳамкорлик қоидалари ҳақидаги битим имзоланганидан сўнг бу муносабатлар янги босқичга кўтарилди.

Шартнома ва битимни имзолаш мақсадида Озарбайжон Президенти А. Н. Муталибов бошлиқ Озарбайжон Республикасининг ҳукумат делегацияси 19 октябрь куни Ўзбекистонга келди. Делегация таркибида бош вазир Г. А. Гасанов, давлат Моддий-техника таъминоти комитети раисининг ўринбосари Р. А. Абасов, республика давлат Иқтисодиёт комитети раисининг ўринбосари С. И. Тагизода бор.

Озарбайжон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида делегацияни Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов, вице-президент Ш. Р. Мирсаидов, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг раиси А. И. Фозилбеков, Президентнинг маслаҳатчиси Т. А. Алимов, Иқтисодиёт комитетининг раиси А. С. Маҳмудов, республика Ташқи ишлар вазири Ш. Н. Маҳмудова, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Ташриф шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечириш билан бошланди. И. А. Каримов билан А. Н. Муталибов Ўзбекистон миллий боғида бўлдилар. Улар Шарқ мутафаккири ва шоири ҳайкали пойига гуллар қўйдилар. Шу ерда Президентлар журналистлар билан қисқача суҳбатлашдилар. Улар Ўзбекистон билан Озарбайжон халқларини фақат иқтисодий алоқаларгина эмас, маънавий, тарихий ришталар ҳам боғлаб турганлигини таъкидладилар. Шу сабабли озарбайжон дўстларимизнинг республикамизга ҳозирги ташрифини ҳамкорлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлашдаги муҳим тадбир, деб биламиз. Сўнгра меҳмонлар Халқлар Дўстлиги саройини кўздан кечирдилар, Ўзбекистон пойтахти кўчалари бўйлаб сафар қилдилар.

Икки республика ҳукумат делегацияларининг музокаралари амалий ишчанлик вазиятида ўтди.

Музокара қатнашчилари жамиятдаги ҳозирги умумий танглик пайтида собиқ Иттифоққа кирган республикалар ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик жараёнларини тезлаштириш ва чуқурлаштиришдан муҳимроқ вазифа йўқлигини таъкидладилар.

Ўзбекистон ва Озарбайжон раҳбарларининг учрашуви арафасида Кремлда имзоланган иқтисодий ҳамжамият тўғрисидаги шартнома мамлакатдаги аҳволни меъёрий изга солиш, республикалар ўртасидаги узилиб қолган алоқаларни тиклаш учун яхши асос бўлиб қолди. Шу ҳужжатнинг остида Ўзбекистон Президентининг ҳам имзоси бор. Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон раҳбарларининг шу йил Тошкентда бўлиб ўтган учрашувида Бокудан келган ҳукумат делегацияси ҳозир бўлганлиги ҳам диққатга сазовордир.

Ҳозирги пайтда бир нарса равшан — иқтисодий ўзгартишларни амалга оширишда фақат биргаликдаги ҳаракатларгина муваффақиятни таъминлай олади, бирорта республика ҳам ёлғиз ўзи иқтисодиётни танг аҳволдан қутқара олмайди. Иттифоқ тарқалиб кетганига қарамай, республикаларимиз иқтисодий соҳадаги алоқаларни тўхтатгани йўқ, тўхтатмайди ҳам. Ўзбекистон Озарбайжондан нефть маҳсулотлари ва металл қирқадиган станоклар, электр техника ва кўтариш-транспорт ускуналари, автомашиналар, газлама

(Давоми 2-бетда).

ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

(Бошн 1-бетда)

Арманистон иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолаш йўлини танлаб олди. Арманистон Президенти Левон Тер-Петросян Арманистон раҳбариятининг ана шу йўлини изоҳлаб, имзоланган ҳужжат республикалар ўртасидаги сифат жиҳатидан янги муносабатни билдиришини айтди. 74 йил давомида биринчи марта бундай шартномада сиёсий мулоҳазалар ўз ўрнини иқтисодий мулоҳазаларга бўшатиб берди.

РСФСР Президенти Борис Ельцин «шартнома ҳамманинг тенглигига асосланганлигини унинг энг муҳим хусусияти» деб атади. Бу шартнома «мустақил ва тенг ҳуқуқли давлатлар ўртасида тузилган, бинобарин, уларнинг ўртасидаги муносабатлар ҳам шунга мувофиқ равишда бўлади». Ў шартнома республикалар хусусан, жанубдаги республикалар билан нотенг муносабатларни мустаҳкамлайди, деган тахминларни рад этди.

Уни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов қўллаб-қувватлаб, шартномага мувофиқ «биз — тенг ҳуқуқли давлатлар — республикаларимиз», деди ва «Россия билан бизнинг орамизга ҳеч ким низо сола олмайди», дея таъкидлади.

Қирғизистон Президенти Асқар Акаевнинг гапларига қараганда, бугун имзоланган шартнома «мустақил республикалар ўртасидаги келишувнинг мевасидир, лекин бу демократик келишувдир, бу соғлом фикр ва соғлом ироданинг кўринишидир».

Украина Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Иван Плющч шартномани имзолаш маросимида иштирок этган Украина вакиллари номидан гапириб, «гўёки Украина «эшикни ёпиб чиқиб кетди» ва ушбу шартномани кўриб чиқишни хоҳламаяпти деган фикрга» қарши гапирди. У Украина бугун шартномани имзолаган республикалар билан икки томонлама шартномаларни тузгандан кейин «иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлади ва шартномага албатта, қўшилади ҳамда уни имзолайди, деб «қатъий ишонч» билдирди.

Михаил Горбачев ғарбдаги шериклар эндиликда Совет Иттифоқида ким билан муомала қилиши керак, деган саволга жавоб қайтариб, бу — Иттифоқ ва республикалар раҳбарларини бирлаштириб турган давлат кенгашидир, шунингдек давлатлараро иқтисодиёт комитетидир», деди.

Борис Ельцин СССР Президентидан сўнг ушбу фикрни давом эттириб, сўнгги вақтда ғарб иқтисодий ҳамкорликни бошлашда кузатувчилик мавқеида турганлигини, бунинг сабаби бугунги шартноманинг имзоланишини кутиш эканлигини айтди. Эндиликда улар Иттифоқ даражасида стратегияни ишлаб чиқиш вазифасига кирадиган марказ билан ҳам, аниқ иқтисодий ишларни ҳал қиладиган республикалар билан ҳам иш олиб боришлари мумкин, деди у.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ОЗАРБАЙЖОН: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ САҲИФАСИ

(Бошн 1-бетда).

ва бошқа кўп маҳсулотларни олмоқда. Ўз навбатида Каспий орқали Озарбайжонга Ўзбекистонда тайёрланган экскаваторлар ва кўприк кранлар, тракторлар ва пахта териш машиналари, кабель маҳсулотлари ва кимёвий ускуналар, халқ истеъмол моллари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари жўнатилмоқда.

Иккала республика раҳбарлари музокара чоғида Ўзбекистон билан Озарбайжон олдида бир хил вазифа: қаттиқ марказлаштирилган ҳокимият кишанларидан қутилиб, ноёб табиий-иқлим шароитидан, бой иқтисодий имкониятлардан фойдаланиб, ер ости бойликларини халқ учун хизмат қилдириб аҳолининг турмуш даражасини анча юксалтириш вазифаси турганлигини алоҳида таъкидладилар. Афсонавий узоқ «порлоқ келажакда» эмас, балки яқин вақт ичида шу ишни амалга ошириш лозим.

Музокаралар давлатлараро муносабатларнинг қоидалари тўғрисидаги шартномани имзолаш билан тугади. **Шартнома остига И. А. Каримов** билан А. Н. Муталибов қўл қўйдилар. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик қоидалари ҳақидаги битимни Ш. Р. Мирсаидов билан Г. А. Гасанов имзоладилар.

Сўнгра журналистлар билан учрашув бўлди. Учрашувга марказий газеталарнинг мухбирлари, Ўзбекистон ва Озарбайжон журналистларидан ташқари бир қанча хорижий оммавий ахборот воситаларининг вакиллари таклиф этилди.

Президентлар А. Муталибов ва И. А. Каримов икки муҳим ҳужжатнинг имзоланишини жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзолари бўлган мустақил демократик давлатларни барпо этишга интилаётган икки қардош халқ ҳаётидаги тарихий воқеа, деб таърифладилар.

Журналистлар билан учрашув шу куни кечқурун республика телевидениеси орқали тўла ҳажмда олиб кўрсатилди. Минглаб телетомошабинлар учрашув рўй-ростлик руҳида ўтганлигини, ўткир масалаларни юмшатишга уриниш бўлмаганлигини, президентларга қийин саволлар берилганлигини, бу саволларга батафсил жавоб қайтарилганини кўрдилар. Шу сабабли учрашувнинг ҳамма жиҳатлари ҳақида ёзишга ҳожат йўқ. Фақат айрим муҳим жиҳатларига тўхталиб ўтамиз.

И. А. Каримов бугун имзоланган ҳужжатларни тайёрлаш кўпдан буён давом этиб келганлигини, икки республика халқлари манфаатлари йўлида уни тезроқ тугаллаш муҳимлигини ва шундай қилинганлигини айтди.

Ўзбекистон Президенти имзоланган ҳужжатларни тавсифлаб, улар республикаларнинг бозор муносабатларига ўтиш йўлида ҳам стратегик йўналишларни, ҳам тактик тадбирларни белгилаб беришини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон ҳозирнинг ўзидаёқ Украина билан Москвада шартнома имзолади, навбатдаги шартномалар Белорусь ва Россия билан тузилади.

А. Н. Муталибов ушбу фикрни ривожлантириб, бизнинг икки томонлама муносабатларимиз Озарбайжоннинг иқтисодий ҳамжамият доирасида Россия, Украина, Белорусь ва бошқа республикалар билан алоқаларни истисно этмайди, деб таъкидлади. Ўзбекистон билан тузилган шартнома қардошларча дўстлик алоқаларимизни мустаҳкамлади. Бу шартнома иккала республиканинг тараққиётига хизмат қилади, куч-ғайратларни бирлаштирган тақдирда аҳоли турмуш даражасини анча юксалтириш учун барча шарт-шароитларни яратишга имкон беради. А. Н. Муталибов Москвада иқтисодий ҳамжамият тўғрисидаги шартномани имзолаш чоғида нима учун Озарбайжон вакиллари иштирок этмаганлари тўғрисидаги саволга жавобан бу ҳужжатга розилик билдирилганини, Озарбайжон унинг муҳимлигини англаётганлигини айтди. Лекин меъёрий демократик жараён доирасида шартнома лойиҳаси парламентда муҳокама қилинмоқда, унга муайян тузатишлар киритилмоқда, чунки шартноманинг бир қанча бандлари парламент аъзоларида бу ҳужжатга турлича муносабатни келтириб чиқарди. Биз —воқеликни ҳисобга оладиган кишилармиз, деб таъкидлади Озарбайжон Президенти, бинобарин тенг ҳуқуқли мустақил республика сифатида ягона иқтисодий ҳамжамиятда ўз ўрнимизни эгаллашимиз лозимлигини тушунамиз.

Президентларга уларнинг муҳолифларга муносабати ҳақида савол берилди. Шуниси диққатга сазоворки, иккала раҳбар ҳам бу соҳада бир хил йўлга амал қилмоқда — муҳолифлар билан муносабат амалий негизга қурилиши лозим. Лекин ҳозирги вақтда муҳолифлар орасида эътиқодли коммунистларга ўхшаган изчиллар учраб туради, муҳолифлар изчилларни қаттиқ танқид қилмоқда. Бироқ муҳолифлар уларни танқид қилиб, ўзлари ҳам шундай аҳволга тушиб қолишяпти. Улар шиорларни бажонидил такрорлашяпти. Лекин тангликдан чиқишга қаратилган ҳеч қандай аниқ-равшан иқтисодий дастурни таклиф қилишмаяпти.

И. А. Каримов шу ҳақида гапириб, муҳолифлик ҳаракатлари конституциявий меъёрларга қатъий мос келиши лозимлигини яна бир бор такрорлади. Бу хусусан «Бирлик» ҳаракатига таалуқлидир. Унинг раҳбарлари адлия идораларида дарҳол рўйхатга олишни талаб қилишяпти-ю, жамоат ташкилотлари фаолиятини тартибга солдиган қонунни унутишяпти. «Бирлик» ҳозирнинг ўзидаёқ бир неча турли гуруҳлардан иборат ҳаракат сифатида эмас, балки ўз низоми ва дастурига эга бўлган партия сифатида рўйхатга олиниши мумкин. Биз халқ манфаатларига хизмат қиладиган ҳар қандай партия билан ҳамкорлик қилишга тайёрмиз, деди Ўзбекистон Президенти. Тўла иқтисодий мустақиллик ва бунда қатъий тартиб ва интизом — бизнинг йўлимиздир. Бу йўл Ўзбекистонни эркин демократик давлатлар қаторига олиб чиқади, жаҳондаги энг илғор мамлакатлар қаторига чиқиб олишига имкон беради. Лекин бунинг учун республика тасарруфидаги барча бойликлар республика халқининг, қайси миллатга мансублигидан қатъи назар, ўзбекми, русми, қозоқми, ёки бошқа миллат вакилими — Ўзбекистонда яшовчи барча кишиларнинг мулки бўлиши лозим. Эълон қилинган мустақилликнинг моҳияти ана шундадир. Аммо шуниси ачинарлики, Ўзбекистоннинг мустақиллиги айрим одамларда жиддий ташвиш туғдирмоқда. Бу эса республика ва унинг халқи манфаатларига қарши қаратилган хатти-ҳаракатларга олиб келмоқда. Ресурсларга бой бўлган хом ашё ўлкасини ҳеч ким ихтиёрий равишда қўлдан чиқаргиси келмайди, бу тушунарлидир. Марказда Ўзбекистонни ана шундай ўлка деб ҳисоблаб келишган. Шу сабабли ҳозир бизнинг шаънимизга ҳатто экстремизмда, бошқа республикалардан ажралиб қолишга уринишда айблашлар ёғдирилмоқда. Бизнинг тутган йўлимиз рақиблари зарба бериш мумкин бўлган бирдан-бир қуролга таянмоқдалар, яъни халқларни бир-бирига қарама-қарши қўйиб, уларнинг орасига низо солмоқчи бўляптилар. Ҳеч кимнинг бундай қилишига йўл қўймаймиз. Ўзбекистон фуқаролар тинчлиги ва тотувлиги сиёсатини ишонч ва собитқадамлик билан ўтказмоқда, барча халқлар турмиш даражасини яхшилаш мақсадида ҳамма республикаларнинг куч-ғайратларини бирлаштириш тарафдори сифатида иш тутмоқда.

Президент Ўзбекистон Халқ-демократик партиясига аъзо бўладими, деган савол журналистларни қизиқтирди. Ҳа, мен бу партияга кираман, деди И. А. Каримов. У янги партия — парламент тусидаги партия эканини, бу партия мафкуравий ақидалардан, иқтисодий, хўжалик муаммоларини ҳал қилишдан чекиниб, парламентдаги ўринлар учун бошқа партиялар билан тенг шароитда кураш олиб боришини тушунтирди. Баъзи бировлар Ўзбекистон Халқ-демократик партияси — «туси ўзгартирилган» коммунистлар партияси деб нотўғри ҳисоблаётганлигини айтди. Тўғри, КПССнинг кўп аъзолари ўз ҳаётларини янги партия билан боғламоқдалар, лекин бу улар қандайдир алоҳида имтиёзларни излашяпти, деган гап эмас. Ундай эмас, уларни халқ тақдири, халқнинг ҳозирги куни ва келажаги ташвишга солмоқда. Ўзбекистон Халқ-демократик партияси ҳеч кимга шахсий мақсадларига эришишда пиллапоя бўлмайди, коммунистлар орасида, унинг маълум қисми учун партия ана шундай пиллапоя бўлган эди. Ҳозир КПСС аъзоларини ҳамма ишда айбдор деб ҳисоблаш одатга айланиб қолди. Аммо халққа виждонан халол хизмат қилган коммунистлар партия раҳбарларининг нуқсонлари ва хатолари учун айбдор эмаслар.

Журналистлар билан учрашувда ҳар иккала республикани қаяжонга солаётган бозор муносабатларига ўтиш муаммолари тўғрисида кўп гапиришди. Президентлар бозор ўрнини босадиган муқобил нарса йўқ ва бўлмаслигини аниқ мисоллар билан исботлаб бердилар.

Ўз муштарийларини Ўзбекистон ва Озарбайжон ҳаёти тўғрисидаги уйдирмалар билан таъминлаб турган айрим марказий нашрлар тўғрисида ҳам гап бўлди. Масалан, шу куни «Известия» Президент А. Н. Муталибов оғир касаллиги сабабли Москвага кела олмаганлигини, Гейдар Алиев эса Озарбайжон Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари бўлганлигини хабар қилди. Мен бироз шамоллаган бўлсам шуни оғир касал деб ҳисоблаш керакми, деди Озарбайжон Президенти, парламентимизнинг шартномага нисбатан тутган йўлини изоҳлаб бериш яхшироқ бўлур эди. Алиева келганда эса унинг Олий Кенгаш Раисининг ўринбосари лавозимига сайлангани тўғрисидаги хабар навбатдаги уйдирмадир. Айтмоқчи, сўнгги вақтда бир қанча газеталар Ўзбекистон ҳақида ҳам жуда кўп уйдирмаларни тўқиб чиқармоқда.

И. А. Каримов делегация аъзоларини Озарбайжон ҳаётидаги тарихий воқеа —республиканинг мустақил деб эълон қилиниши билан самимий қутлади, Озарбайжон халқига тинчлик ва фаровонлик тилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов 19 октябрь куни кечқурун Озарбайжон Республикаси ҳукумат делегацияси шарафига қабул маросими ўтказди.

20 октябрь куни Озарбайжон ҳукумат делегацияси Самарқандга борди.

В. ДРАЧЕВ,
С. ФЕНОТИН,
ЎзТАГ мухбирлари.

Чўпонлар сулоласи

ТИНМАС БУЛОҚ

Жума бобо Норбоев 77 ёшида вафот этди. У умри бўйи чўпонлик қилди. Ҳаётида яхши-ёмон кунлар бўлди, баъзан қийналди, аммо таёғини ташламади. Бободан 6 нафар фарзанд қолди: Алитош, Розия, Қурбонназар, Ўрол, Намоз ва Раъно. Ҳаётининг сўнгги кунлари эди. Ота тўшакда ётганича поёнсиз қирларга, тоғлардан ёйилиб, адирларга ўрмалаётган қўй-қўзиларга маъюс тикилди, кейин тўнғич ўғли Алитошни йўқлади.

— Ўғлим, — деди у,— сўзларимни диққат билан эшит. Умрим шу қир-адирларда ўтди. Чўпонлик орқасидан сенларни вояга етказдим. Эл-юрт ризқига улуш қўшдим. Сенга айтадиган гапим, отанг тутган таёқ бир чеккада қолмасин. Укаларингга бош бўл. Онангни сира ранжитманглар...

Ота вазияти Алитош қалбида бир умр муҳрланиб қолди. У тутган чўпонлик таёғини бир умр ташламасликка аҳд қилди. Жума бобони ерга қўйиб келишгач, укаларини чақирди. Суҳбат қисқа ва лўнда бўлди:

— Гап бундоқ, ҳаммамиз чўпонлик қиламиз. Отамизнинг ишини давом эттирамиз. Васиятлари шундай. Келишдикми?

Укалар нима ҳам дерди. Ака энди улар учун ҳам ота, унинг сўзи амри вожиб. Зеро, онаси Роҳия опа ҳамиша шуни таъкидлайди. Шу тариқа ака-ука Норбоевларнинг чўпонлик фаолияти бошланди. Тез орада Пахтачи районидаги «Ленинчи чорвадор» давлат хўжалигининг илғор чўпонлари қаторида номлари тилга олина бошлади. Қилаётган ишига меҳр аста-секин мевасини бера бошлади. Кўп ўтмай, А. Норбоев 3-бўлим бош чўпони этиб тайинланди. Гарчи у оддий чўпон бўлса-да, қўйчилик бобида унча-мунча мутахассис, олимлардан қолишмайди. Алитош ака шундоқ отарга қараб, унинг «аҳволи»ни дарҳол сезади. Ҳатто 500—600 қўйли сурувдан биттаси йўқ бўлса бир қарашдаёқ пайқайди. У айниқса қиш ойларида қўйларни қайси қир бағрига ёйишни яхши билади.

Ердамчи чўпонлар Қурбоннназар ва Ўрол учун Алитош ҳам устоз, ҳам ака. Улар ҳеч «сен-мен»га боришмаган. Иш қийинлашиб, асаблари таранглашган пайтлар кўп бўлади. Акаукалар шундай пайтларда ўзларини тутишни билишади. Бамаслаҳат иш тутишади. Ака-укалар бу йил мавсумни муваффақиятли якунлашди. 590 бош она қўйдан 649 бош қўзи олишга муваффақ бўлдилар. Бу ҳар юз совлиқдан 110 тадан дегани. Ютуқ ўз-ўзидан келгани йўқ, албатта. Унинг замирида қанчадан-қанча меҳнат, тоғма-тоғ, қирма-қир сурув ортидан юришлар, уйқусиз, ҳаловатсиз тунлар, орзу-умид, режалар мужассам.

Яқинда хизмат юзасидан Норбоевлар отарида бўлдик. Бизни илиқ кутиб олишди. Келгуси режалар, ниятлар ҳақида узоқ суҳбатлашдик. Хайрлашаётиб 1992 йилда янада юқори кўрсаткичларга эришишларига тилак билдирдик Қайтишда Жума бобо сурувини суғориб, ўзи неча марталаб ҳордиқ чиқарган «Ёна булоқ» ёнидан ўтдик. «Ёна булоқ»дек оби ҳаёт манбаининг тўхтовсиз шилдираб, шу яйловларга ҳаёт бахш этиб турганлигидан ака-укалар миннатдор. Бу булоқдан Алитош аканинг ота-боболари сув ичган, энди ундан ўзлари, фарзандлари, набиралари баҳраманд бўлишаяпти. Улар булоққа сажда қилшади. Норбоевларнинг булоғи тинмайди, чўпон таёғи авлоддан-авлодга ўтаверади.

Б. ШАМСИЕВ,
Ж. НАРЗУЛЛАЕВ.

Яйлов дарғалари — чўпонларни матонатли кишилар деб таърифлашади. Улар қаҳратон қиш изғиринларию ёзнинг жазирамасига дош бериб, жамоат чорвачилигини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшишмоқда. Бугун об-ҳаво қандай бўлади, сурув учун қайси яйлов қулай? Буни айниқса, бош чўпон яхши билиши керак. Саркор омилкор, ташаббускор бўлса, мушкулотлар осон енгиб ўтилади, қўйлар қишловдан беталофат олиб чиқилади. Зеро, бундай фидойи кишилар республикамиз хўжаликларида оз эмас.

СУРАТЛАРДА: 1. Чиноз районидаги Жамбул номли давлат хўжалигининг моҳир чорвадори Т. Мусиров. Унинг бой тажрибаси оммалашмоқда. 2. Бу йил ҳар юз совлиқдан 105 тадан қўзи олиб, мусобақада пешқадамлик қилган Қўшработ районидаги О. Қодиров номли давлат хўжалиги бош чўпони Х. Тўймуродов.

Е. БОТИРОВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот хизмати хабар қилади

МИННАТДОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4 октябрда чиқарган Фармонига кўра 1991 йилдан бошлаб белгиланган топшириқдаги пахта толаси ва пилланинг 5 фоизи ҳамда белгиланган ҳажмдан ортиқча олинган мазкур маҳсулотларнинг ҳаммаси мамлакат ичкарисида ва ундан ташқарида ҳам давлат, жамоа хўжаликлари, ижарачилар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан ихтиёрий равишда сотилиши жумҳуриятимиз дала меҳнаткашларининг моддий манфаатдорлигини оширишга қаратилган муҳим тадбир сифатида баҳоланмоқда.

— Бозор иқтисодиётига ўтилаётган оғир кунларда бу ўз вақтида қабул қилинган фармон бўлди, — деб ёзади Норин районидаги Карл Маркс номли жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси Ғ. Дадабоев Республика Президенти номига йўллаган миннатдорчилик телеграммасида. — Эндиликда хўжалигимизни иқтисодий жиҳатдан бақувват ва халқимизнинг моддий жиҳатдан барқарор яшашини таъминлаш йўлида муҳим қадам қўйилди. Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш учун қўлдан келган ҳамма ишни қиламиз.

Шунингдек, Чуст районидаги «Ўзбекистон», Уйчидаги Улуғбек номли жамоа хўжаликлари ва Поп районидаги «Найман» давлат хўжалиги меҳнаткашлари номидан йўлланган телеграммаларда ҳам пахта ва пилла сотишдаги имтиёзлар учун республика ҳукуматига миннатдорчилик изҳор этилган.

Қарши райони меҳнаткашлари номидан келган телеграммада ушбу самимий сўзлар битилган:

«Республика мустақиллигини таъминлаш йўлида олиб борилаётган ишларни тўла қўллаб-қувватлаймиз. Деҳқон меҳнатини юксак қадрлаб, пахта толаси ва пилла сотишда колхоз ва совхозларга берилган бу имтиёзлардан ниҳоятда хурсандмиз.

Ўзбекистоннинг равнақи ва осойишталиги йўлидаги ишларда муваффақиятлар тилаймиз!».

Деҳқон — ҳосибдон халқ. Ушбу фармон бўйича чўнтагига тушадиган даромадни дарҳол чўтга солиб кўради. Мисол учун Чортоқ районидаги Алишер Навоий номли жамоа хўжалиги 815 гектар ерда пахта етиштирган. Режа бўйича 36,2 центнердан жами 2 минг 950 тонна пахта сотиши керак эди. Бунинг 5 фоизи 147,5 тонна. Далада эса ками билан олганда ҳар гектардан яна 7 центнердан пахта йиғиштириб олиш мумкин. Ҳисоблаб кўринг: яқин 700 тонна хом ашё деҳқоннинг ихтиёрида қолаяпти. Агар тола чиқиши 25 фоизни ташкил этганда ҳам олинадиган 175 тонна толани ташқи бозорга чиқарса, 262 ярим минг доллар даромад бўлади. Маълумки, ташқи бозорда нарх-наво ўзгариб туради. Биз кўпроқ хом ашё чиқарганимиз учун ҳозир бир тонна пахта толасининг баҳоси 1 минг 800 доллардан 1 минг 500 долларга тушиб қолди. Ҳа, келинг, шунга кўра Алишер Навоий номли колхоз 230 минг долларлик пахта сотсин. Энди бир долларнинг қийматини сўмга чақиб, деҳқоннинг чўнтагига тушаётган даромаднинг чўғини ўзингиз ҳисоб-китоб қилиб кўринг.

Алишер Навоий номли жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси М. Раҳматовнинг маълум қилишича, колхозчилар ушбу фармонни мустақил жумҳурият деҳқонларига муносиб ғамҳўрлик сифатида баҳолаб, ғайрат билан ишламоқдалар.

Ҳа, мустақилликдан, уни мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилаётган муҳим тадбирлардан деҳқоннинг кўнгли тўлмоқда. Тинчлик ва осойишталик бўлса, республика ҳукумати халқни ҳеч қачон доғда қолдирмайди, деган ишонч меҳнат кишиларига куч-қувват бағишламоқда. Ўзбекистон Президенти номига келиб турган миннатдорчилик телеграммалари ва мактублари шундан далолат беради.

РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ КЕНГАШИ КОМИТЕТИДА

18 октябрь куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Экология ва табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш масалалари комитетининг мажлиси бўлди. Унда Президент аппарати бўлимларининг, Олий Кенгаш котибиятининг масъул ходимлари, вазирликлар ва идораларнинг, корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, мутахассислар қатнашдилар.

Мажлисда Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Қонунни бажариш юзасидан республикада ерости сувларининг ҳолати ва сифати тўғрисидаги, «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Экология ва табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш ҳақидаги, Ўзбекистон Республикаси Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги Орол муаммоси юзасидан амалга ошираётган ишлар тўғрисидаги, комитетнинг «Тошкент вилояти айрим минтақаларидаги экология вазияти ва уни яхшилаш вазифалари тўғрисида» ва «Фарғона шаҳри ҳамда Тошлоқ районидаги қониқарсиз экология вазияти ва уни соғломлаштириш чоралари тўғрисида»ги қарорлари қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги масалалар кўриб чиқилди.

Сўнгра депутатлар «Ерости бойликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини муҳокама қилишга киришдилар. Бу қонун лойиҳаси асос учун қабул қилинган эди. Ишчи гуруҳига тушган таклифлар ва мулоҳазаларни ҳисобга олиб, қонун лойиҳасини тайёрлаш ишини давом эттириш тавсия этилди. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига экологик ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик кучайтирилганлиги муносабати билан ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди. Депутатлар қонун лойиҳасини маъқулладилар. Қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раёсати мажлисида муҳокама қилиш учун тақдим этишга қарор қилинди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзТАГ).

ДЕҲҚОНЧИЛИК-САНОАТ ЯҢГИЛИКЛАРИ

МУЛ ҲОСИЛ

Қашқадарё вилоятидаги «Коммунист» совхози деҳқонлари ўз далаларида «Дюбек» навли тамакидан ўтган йилгига нисбатан деярли бир ярим баравар кўп ҳосил етиштирдилар. Тоғ ёнбағрида жойлашган ўн гектар майдондан бу йил 50 тонна тамаки барги олинди.

Тамаки етиштирувчиларда, ниҳоят, самаралироқ ишлаш учун рағбат пайдо бўлди: тўпланган ҳар бир килограмм хом-ашё учун улар эндиликда 18 сўм — аввалгидан уч баравар кўп ҳақ оладилар. Бу эса истиқболсиз деб ҳисобланган ўсимлик баргини тўплашни кўпайтириш имконини берди. Шу муносабат билан янги йилда тамаки экиладиган майдонни 16 гектарга етказишга қарор қилинди. Бу майдонлар Қизилдарё суви, билан суғорилади. Дарё суви бир километрлик ариқ орқали олиб келинади.

АРЗОН ВА ҚУЛАЙ

Вобкент районидаги Охунбобоев номли колхозда «Ранат» ва «Ниҳол» деб номланган янги дефолиантларни синовдан ўтказиш муваффақиятли тугалланди. Келгуси мавсумда улардан анча кўп майдонларда фойдаланилишини мўлжаллаш мумкин.

Янги бирикмаларнинг дефолиант сифатидаги таъсирини ўрганишга доир ишни СССР Фанлар академияси А. В. Топчиев номли нефть кимёси синтези илмий-тадқиқот илмгоҳи ходимлари Л. Н. Ледина, Р. Ш. Абубакиров ва Ф. Ҳ. Иноятовлар олиб боришмоқда. Натижалар янги препаратларнинг самарадорлиги анча юқори эканлигини кўрсатди. Ғўза баргларини битта қолмай тўкилади, чаноқларнинг очилиши 10—12 кунда 90 фоизга етади. Бундан ташқари ушбу препаратлар арзон ҳамда уларни ишлаб чиқариш технологияси соддадир. Энг муҳими— улар жуда кам заҳарли бўлиб, экология жиҳатидан зарарсиздир.

МАКАРОН ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА

Гулистон нон заводида макарон ишлаб чиқаришга мўлжалланган линия ишлай бошлади. У бир сменада 5 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга.

Линияни фойдаланишга топширишни тезлаштириш учун бу ерда собиқ булкахонадан фойдаланилди. Бу хона ремонтдан чиқарилди ва макарон ишлаб чиқаришга мослаштирилди. Ростовдан келтирилган асбоб-ускуналар ўрнатилди. Янги линияда ишлаш учун мутахассислар ҳам олдиндан тайёрлаб қўйилди.

БУНЁДКОРЛАР ШИЖОАТИ

«Узколхозстрой»нинг Фарғонадаги 96-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колоннаси Ленинград райони хўжаликларида бунёдкорлик ишларини олиб бормоқда. Ташкилот асосан деҳқонлар, боғбонлар, чорвадорлар оиласи учун уй-жойлар, шунингдек савдо дўконлари, мактаб, болалар боғчалари, ҳаммом, дала шийпонлари, молхона, устахона сингари зарур ижтимоий-ишлаб чиқариш иморатларини тиклаш билан шуғулланиб келади. Меҳнат жамоаси йил бошидан бери 9 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириб, жорий йилнинг тўққиз ойи топшириқларини муваффақиятли уддалади. Бу рақамлар маъзи чақилса, манзараси қуйидагича: Ленинград район марказида трикотаж фабрикаси қуриб битказилди. «Комсомол» жамоа хўжалигида 300 тонна маҳсулотни асрайдиган мева омбори, «Коммунизм» жамоа хўжалигида 360 ўқувчига мўлжалланган мактаб биноси, 19 бригада учун замонавий дала шийпони, болалар боғчаси, шунингдек кўчма колонна ишчи-хизматчилари учун 6 та коттеж типидаги турар жой бинолари фойдаланишга топширилди. Шу хўжаликлар ҳудудида навбатдаги иншоотлар — ошхона, магазин, учта мактаб биноси, машина-трактор устахонаси, болалар боғчаси ва турар-жой бинолари қурилиши жадал суръатлар билан давом эттирилмоқда. Шу кеча-кундузда бу иншоотларда 18 та қурувчилар бригадаси ўзаро мусобақалашиб меҳнат қилишмоқда. Ўтган давр иш якунлари бўйича таниқли бинокор, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати Холдорали Ҳотамов етакчилигидаги бригада аъзолари пешқадамликни қўлларида сақлаб келмоқдалар.

А. ЖАББОРОВ.

ҚАШҚАДАРЁНИНГ ОЛТИН САНДИҒИ

СУРАТДА: зангори кемалар пахтазорда.

Ш. СУЛТОНОВ олган суратлар.

ОРТИҚЧАСИ ЎЗ ИХТИЁРИМИЗДА

Агроучасткамиз заршунослари эрта баҳорданоқ тадбиркорлик билан иш юритишди. Ҳар бир ишчи ва механизаторларимиз масъулиятни ҳис этган ҳолда фидокорона меҳнат қилишди. Барча майдонларимиздаги ниҳоллар машинабоп қилиб ўстирилди. Кузнинг дастлабки кунларида ғўза дефолиациясини тез ва сифатли ўтказдик. Сентябрь ойининг иккинчи ўн кунлигида йиғим-терим ишларини пўлат отлар ёрдамида бошлаб юборган эдик. Терим суръатини ошириб, кунига йиллик режанинг 4—5 фоизи миқдорида саноат хом ашёсини топширишга эришдик. Натижада 325 гектар майдондан 24 ўрнига 30 центнердан ҳосил олинди. Ҳозиргача уйган хирмонимиз 760 тоннадан ошиб кетди. Нахши Мўминов, Ғулом Рустамов, Қаландар Давронов, Ҳақмурод Қувватов, Сафи Ҳақбердиева, Араббой Муҳамедов бошлиқ бригадалар ҳамиша пешқадам. Етиштирилган ҳосилни тез ва қисқа фурсатларда терим агрегатлари ёрдамида йиғиштириб олишга Мурод Боболназаров, Абдурахмон Рустамов, Саъдулло Довуров, Рустам Жумаев сингари зангори кема суворийлари ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишди. Уларнинг ҳар бири мавсумда 150—200 тонна пахта теришди. Йиллик режа адо этилган бўлса-да, ҳали далаларимизда ҳосил мўл. Қолган хом ашёни ҳам нес-нобуд қилмасдан йиғиштириб оламиз.

Чўлқуварларимиз ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, жами хирмонни 1000 тоннага етказиш учун астойдил меҳнат қилишаяпти.

М. БОЗОРОВ,
Усмон Юсупов районидаги «Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги» давлат хўжалигининг 7-агроучасткаси бошқарувчиси.

Қашқадарё вилояти пахтакорларининг бугунги улкан меҳнат ғалабасига дала суворийлари катта улуш қўшдилар. Улар яппи ҳосилнинг учдан икки қисмини саранжомлаб беришди. Ғузор районидаги Ленин номли давлат хўжалигида ҳам дала дарғалари етакчи куч ҳисобланадилар. Совхознинг Норқул Сатторов етакчилигидаги бригадаси заршунослари ҳосилдорликни оширишда, зангори кемалардан унумли фойдаланишда бошқа жамоаларга намуна бўлишмоқда.

СУРАТДА: бригада етакчиси Норқул Сатторов (ўртада) ва моҳир механизаторлардан Бойқул Зойиров, Урол Пирназаровлар.

Ш. ШАРОПОВ олган сурат. (ЎзТАГ).

БАРЧА ДАРОМАД ИНСОН МАНФААТИГА

Куз доно халқимиз таъбири билан айтганда, ғалвирни сувдан кўтарадиган пайт. Бепоён пахтазорларда етиштирилган ҳосил жадал йиғиштириб олинмоқда. Деҳқонларимизнинг йил бўйи қилган меҳнатининг маҳсули хирмонларга уйилаяпти. Шундай дамларда пахтакорнинг баҳордан шу кунларгача чеккан ташвиши, беором меҳнати ҳақида гапирмоқ ҳам қарз, ҳам фарз.

Хўжалигимиз пахтакорлари катта умид билан баҳорда 1.970 гектар майдонга чигит қадаган эдилар. Кўкламнинг инжиқликларига қарамай уруғни бир текис ундириб олишга эришдик ва тўлиқ қаторлар ҳосил қилдик. Сўнг мурғак ниҳолларни парваришладик. Қатор ораларига ишлов бердик, ғоя тобида озиқлантирдик, суғордик. Меъёри билан минерал ва маҳаллий ўғитлар солиндк. Хуллас, она ғўдагига қандай қараса, заршуслларимиз ҳам ҳар йили ғўзани шундай меҳр-муҳаббат билан парваришлайдилар. Бу ишлар, меҳнат жараёни айтишга осон. Саратоннинг иссиқ кунида чанг-тупроққа қоришиб, трактор рулида ўтириб ўсимликка ишлов бериш, кечалари ёз уйқусини тарк этиб, ғўза суғориш, букилиб-букчайиб ҳар тупдаги бегона ўтни олиш, чопиқ қилиш ва шу каби юмушлар ҳазилакам иш эмас. Бу қийинчиликларга фақат деҳқон боласигина дош беради, авлод-аждоди ер билан тиллашиб келган ва ундан дур ундирган пахтакоргина чидайди. Бугунги кунда машаққатли меҳнатда ўзларини кўрсатган ва кўпчиликка намуна бўлган, пахта деб куйиб-пишган механизаторларимиздан Тоғай Бобомуродов, Саъдулла Орзиқулов, Ҳайит Жумаев, Холмирза Худойбердиевлар, чопиқчи қиз-жувонлардан Сайёра Норбўтаева, Назокат Жабборовларни, моҳир сувчиларимиздан Худойназар Бозоров, Димлон Каримов, Искандар Раҳматуллаев, уларга раҳбарлик қилаётган Аваз Йўлдошев, Бекмурод Жўраев, Эгамберди Раҳмонов, Камол Суяров сингари ишбошиларнинг номларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Чунки, ана шу шоввозларнинг қадоқ қўллари билан ғўзага олти марта ишлов берилди, шунча марта озиқлантирилди, уч марта қондириб суғорилди. Шунга ўхшаш агротехник тадбирлар туфайли мўл ҳосил етиштиришга эришдик.

Хўжалигимиз деҳқонлари етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш ва давлат омборларига етказиб беришнинг пухта чораларини кўрдилар. 50 терим машинаси, 11 кўрак териш, 12 кўрак чувиш машинаси, 50 тележка ва шунга ўхшаш бошқа механизмлардан унумли фойдаланилмоқда. Мутахассисларимиз, инженер-техник ходимларимиз техникага меҳр қўйганлар. Машина-механизмларсиз замонавий деҳқончиликни тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳар ишда техникага суянамиз. Техника йил ўн икки ой деҳқонга ҳамроҳ. Шу боисдан ҳам биз бирон-бир техниканинг қаровсиз қолишига иложи борича йўл қўймаймиз. Уни асраб-авайлашга ҳаракат қиламиз. Машина-механизмларнинг ҳам ҳозир нархи осмонда. Улар кейинги пайтда беш-олти баравар қимматлашиб кетди. Буни ҳар бир механизатор, техника жиловкори яхши билади ва буни эътиборга олиб иш тутади. Ҳар йили етиштирилган ҳосилнинг 90 фоиздан ортиғини агрегатлар ёрдамида йиғиштириб олаяпмиз. Бултур топширилган 5447 тонна пахтанинг 4.500 тоннаси бункерлардан тўкилган эди. Бу йил ҳам ҳосилнинг 95 фоизини механизмлар кучи билан йиғиштириб олишга қарор берганмиз. Давлатга 6 минг тоннадан зиёд пахта сотишни ният қилганмиз.

Хўжалигимизда ижара усули кенг қўлланилаяпти. 38 бригада, 30 дан ортиқ оила шу тарика меҳнат қилаяпти. Учта фермер

хўжалигимиз ҳам бор. Оилавий ижарачиларга имкониятига қараб ер берганмиз. Уларни керакли техника, ўғит, сув ва бошқалар билан ўз вақтида таъминладик. Ерга хўжайинлик деҳқонда мустақилликни шакллантирди, масъулиятни оширди. Ҳар бир ижарачи хўжалик билан тузилган шартноманинг бажарилишини таъминлашни, моддий манфаатдорликни кўзлаб ишлайди. Пахтани ўтга бостирмайди, вақтида ишлов беради, озиқлантиришни обитобида олиб боради, меҳнат интизомига жиддий риоя қилади. Шу боис ҳам Ҳусан Пардаев, Шавкат Ражабов, Ғанишер Турсуновлар бошлиқ оилавий ижарачи бригадалар 1990 йил натижаларига кўра 16 мингдан 28 минг сўмгача мукофот пули олгандилар. Пахтакор деҳқонларимизни моддий рағбатлантиришни йил бўйи канда қилмаймиз. Йиғим-терим арафасида юздан ортиқ кишига пул мукофоти бердик. Шерали Шодиев, Омон Йўлдошев, Зиёд Холматов, Раҳмон Холлиев, Зебо Норқобилова сингари ишчиларимиз меҳнат беллашувида ғолиб деб топилдилар ва уларнинг ҳар қайсини 150—200 сўмдан моддий рағбатлантирдик.

Хўжалигимизда ҳосил тақдири учун барча ўзини жавобгар ҳис этиб меҳнат қилади. Эшман Рўзибоев, Эркин Ҳайдаров, Баҳодир Эшназаров, Бахтиёр Сатторов, Тоштурди Жумаевлар етакчилигидаги бригадаларда ҳосил йиғим-терими жадал бормоқда. Бу жамоалар икки йилдан бери пахтанинг «Бухоро», «Юлдуз» навларини экиб, юқори ҳосил олмоқдалар. Бу навлар эрта пишиши билан бошқаларидан ажралиб туради. Ўтган йили ана шу навлардан 1 миллион 144 минг сўм даромад олган эдик. Бу йил даромадимиз бултургидан бир ярим баравар ошади. Хўжалик олган фойдани нималарга ишлатаяпти деган савол туғилиши мумкин. Биз бу маблағларни одамларимиз фаровонлиги йўлида, ижтимоий муаммоларни ечиш учун сарфлаётирмиз. Кейинги пайтда ҳар бирининг қиймати 33 минг сўм бўлган 22 та уй-жой қурдик. Ҳилол, Сарой, Керайит қишлоқларини газлаштирдик, водопровод ўтказдик. Қишлоқ йўлларини қайта таъмир қилиб, асфальт ётқиздик. Эски ва янги Муллақувват қишлоқларига йўл қурдик. Ҳилол қишлоғида 600 ўринли мактаб қурилиб, фойдаланишга топширилди. Қабристонлар ободончилигига эътибор бердик. Қариялар чойхонаси ва Ҳилол қишлоғида яна 400 ўринли мактаб қурилишини бошлаб юборганмиз. Аълочи ўқувчиларга нафақа беришни жорий қилганмиз. Чунки, келгуси тараққиётимиз мактабга, ёшларга боғлиқ. Инсоннинг маънавий қиёфаси мактабда шаклланишини унутмаслигимиз керак. Ёш авлоднинг улғайишига, тарбия топишига биз қанчалик яхши эътибор берсак, уларни асраб-авайласак, ўзимиз учун ҳам, жамиятимиз ва республикамиз учун ҳам шунча яхши.

Бозор иқтисодиёти шароитида кишиларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, серфарзанд оилалар ва бева-бечораларга ёрдам бериш, уларнинг қулайликларини ҳабардор бўлиб туришни муқаддас бурчимиз деб биламиз. Ана шундай оилаларга, уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронларга 90 минг сўм миқдорида моддий ёрдам ажратилди. 20 бош қорамол ва кўплаб қўй-қўзи, 250 тонна сомон ва 200 тонна кўк беда берилди. Бу хайрли ишдан Бозор Тойлоқов, Юсуф Идиев, Назокат Жабборова, Ёқутой Элимова каби кишилар ғоят хурсанд бўлдилар. Меҳнат аҳлига шу йилги ҳосилдан 137 тонна ғалла ҳам сотилди. Ўтган бир ярим йилда одамларга 147 гектар ер уй-жой қуриш ва томорқа учун берилди. Янги қурилган 22 уйнинг ўн бештаси ишчиларга, қишлоқ ўқитувчиларига ва меҳнат фахрийларига инъом этилди.

Давлат хўжалигимиз чорвачилик ва бошқа тармоқлардан ҳам фойда олаётир. 220 бош соғин сигирнинг ҳар қайсисидан кунига 7—8 литрдан сут соғиб олинмоқда. Чорвадорларимиз яқин кунларда йиллик сут соғиш режасини уддалайдилар. Ҳозиргача 300 тоннадан зиёдроқ маҳсулот олинди ва давлатга топширилди. Озода Қурбонова, Шаҳноза Жумаева, Гуласал Жўраева сингари пешқадам соғувчиларимиз ҳамкасбларига намуна бўлишаяпти. Чорвадорларимиз ғўшт тайёрлаш йиллик планини ошириб бажардилар. Давлатга 57 тонна ғўшт сотилди. Биз чорвачиликнинг моддий базасини мустаҳкамлашга ҳаракат қилаяпмиз. Ҳар йил 1700—1800 тонна атрофида сенаж бостирамиз. 1900—2000 тоннага яқин сомон тайёрланиб, молхона атрофига ташиб келтирилади. Замонавий молхона қуриб олдик.

Кўрсатилаётган ғамхўрликларга совхозимиз механизаторлари фидокорона меҳнатлари билан жавоб бермоқдалар. Бу айниқса пахта йиғим-терими мавсумида яққол намоён бўлди. Хўжалигимиз деҳқонлари районда биринчи бўлиб оқ олтин тайёрлаш режасини адо этдилар. Тайёрлов пунктларига режадаги 4,5 минг ўрнига 4.660 тоннадан зиёд қимматбаҳо хом ашё етказиб берилди. Бу ҳосилнинг 4 минг тоннадан ортиғи техника билан саранжомлаб олинди. Эришилган ғалабага Абдукомил Суяров, Ғайбулла Ражабов, Эгам Раҳмонов ва Аваз Йўлдошев бошқарувчилик қилаётган агроучасткаларнинг заршунослари салмоқли ҳисса қўшдилар. Бектемир Бобомуродов, Эшмон Рўзибоев, Тошпўлат Тўқлиев, Акмал Каримов, Бекмурод Нормуродов, Худойназар Ашуров, Суюн Раҳматуллаев, Нурмат Эронов, Шавкат Ражабов ўртоқлар бошчилигидаги бригадаларнинг жамоалари ҳосилдорликни 35—40 центнердан оширишга муваффақ бўлдилар. Тоғай Бобомуродов, Рустам Пирматов, Ғулом Ҳайдаров, Холмўмин Эшмуродов, Қудрат Турдиев, Мирзаёр Дўстов каби дала дарғалари пўлат этаклардан 150—180 тоннадан дурдона тўкиб, хўжалик хирмонига барака киритдилар. Совхозимизда кўпмингкилограммчилик ҳаракати кенг қулоч ёйган. Мусаллам Расулова, Мукаддас Йўлдошева, Момохол Тоғаева, Санобар Каримова, Мунаввар Жабборова каби теримчиларнинг ҳар бири ҳозиргача 6—8 тоннадан пахта теришга муваффақ бўлдилар.

Хўжалигимиз заршунослари пешона тер тўкиб етиштирилган ҳосилни сўнгги мисқолигача йиғиштириб олиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Шу кунларда белгиланган топширириқка қўшимча равишда минг тонна хом ашё топшириш, хўжаликнинг ялпи хирмонини 5,6 минг тоннадан ошириш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига кўра ҳозир топширилаётган ҳар тонна пахта хўжалигимизнинг ўз ихтиёрида бўлиб, у белгиланган нархда сотилади ва тушган маблағ меҳнаткашларимизнинг турмуш фаровонлигини оширишга сарфланади. Мустақилликнинг бу каби дастлабки мевалари одамларни янада унумли меҳнат қилишга даъват этаяпти.

Ҳамдам КАРИМОВ,
Қарши районидаги Акмал Икромов номли давлат хўжалиги директори.

ДАЛАДА ТЎЙ

Оқликка бурканган пахтазорларда терим машиналари бир маромда сузиб юрибди. Зангори кемаларни моҳирлик билан бошқараётган суворийлар етиштирилган ҳосилни сифатли саранжомлашаяпти. Илғор ҳайдовчилар билан танишиш мақсадида Ульянов районидаги «Пахтакор» давлат хўжалигининг Бўри Шоназаров бошқарувчилик қилаётган 1-агроучасткасига бордик. Ҳар йили бу ерда истиқболли «Қарши-8» нави чигити экилади. Уруғчиликка ихтисослашган жамоа ерлари бу нав учун жуда қулай. Аввало, ери яхши. Деҳқонлари агротехникага қатъий амал қилишади. Фан ютуқлари, илғорлар тажрибасига таянилади. Ишчи кучи, техника етарли. «Қарши-8» нав ғўзалари иссиққа бардошли бўлиб, ҳосил тугунчаларини тўкмайди. Лекин сувга ўта талабгар. Белгиланган муддатда суғорилиб, қатор ораларига ишлов берилмаса, вақтида озиқлантириб турилмаса, мўлжалдаги ҳосилни олиш қийин. Бўри Шоназаров бошқарувчилик қилаётган агроучастка пахтакорлари буни яхши тушунишади. Шу боис гектаридан 35—40 центнергача ҳосил олиб келинмоқда.

Бу йил ҳам мўл ҳосил етиштирилди. Заршунослар 385 гектар майдонда деҳқончилик қилишди. Ғўзага тўққиз марта ишлов берилди. Уч марта озиқлантириб, икки марта минерал ўғитлар билан озиқлантирилди.

Майдонлардаги ғўза барги тўкилиши билан машиналар теримга сафарбар этилди. Саккизта машина бирданига далага чиқди. Дастлабки кунлари агрегатлар ёрдамида 45—50 тонна пахта терилган бўлса, кейин бу кўрсаткич 90—100 тоннага чиқди. Айни пайтда Турсунбой Давронов, Ҳамдам Маллаев, Аҳмад Жумаев, Қаҳрамон Раҳимназаров каби суворийлар кунига 10—12 таннадан оқ олтин саранжомлаб хирмонга барака киритишмоқда. Ҳар бирининг ҳисобида шу кунгача 160—180 тоннадан хом ашё бор. Дала гвардиячилари зиммага олинган юксак мажбуриятни ошириб бажариш, етиштирилган мўл ҳосилни сўнгги мисқолларигача йиғиб-теріб олиш учун ҳаракат қилаяптилар.

Ҳосилни саранжомлашда теримчиларнинг ҳам ҳиссаси катта. Улар ва механизаторнинг кучи билан ҳар куни 100 тоннадан зиёд хом ашё тайёрланаяпти. Агроучасткада 10 та бригада мавжуд. Давлат режаси 985 тонна. Шундан 500 тоннаси уруғлик пахта. Бригадаларнинг ҳаммасида тажрибали деҳқонлар ишлашади. Қўзибой Худойбердиев бошлиқ жамоа агроучастка, давлат хўжалигида эмас, балки районда биринчилардан бўлиб ғалаба рапортига имзо чекди. Бу ерда 79 гектардан 31 центнер ҳосил олинди. Бригада ҳамон пешқадамликни қўлдан бермаяпти. Улар гектар ҳосилдорлигини 40 центнерга етказишмоқчи.

Бекмирза Бобоназаров бошлиқ бригада заршунослари баҳорда 55 гектар ерга ипак пахта уруғи қадаган эдилар. Гектаридан 27 центнердан ҳосил етиштиришни ният қилган жамоа кўзланган маррадан ўзди. Улар яна 5 центнердан ҳосил саранжомлаб олишга сўз бердилар.

Сафар Нафасов бошлиқ жамоа даласида ҳам иш қизғин. Одамларнинг кайфияти баланд. Теримчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Пахта машиналар бункеридан тўғри бригада шийпони ёнидаги хирмонга келтириб ағдарилаяпти. Механизаторлар, кўпмингкилограммчилар мавсум қоидасини яхши билишади. Биринчи теримда ғўзанинг пастки ва ўртасидаги чанқлар териб олинди. Чунки тола пишган, чигит обдон тўлишган.

Ҳар гектар ердан 30 центнердан ошириб ипак пахта етиштириш мажбуриятини олган чўлқуварлар асосий эътиборни пешона тери эвазига етиштирилган ҳосилни ёғин-сочинли кунларга қолдирмай саранжомлаб олишга қаратмоқдалар. Гектарлар ҳосилдорлигини 32 центнердан оширишга қарор қилган Мурод Шарипов, Жума Файзиев, Довур Шоназаров, Сафар Мамашарипов раҳбарлик қилаётган бригадаларнинг заршунослари маррадан аллақачон ўзиб, мажбурият ҳисобига хом ашё топширмоқдалар.

Хирмон баракаси теримчилар меҳнатига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир. Уларнинг кўпчилиги кўпмингкилограммчилар ҳаракатига қўшилган. Сайёра Мамашарипова, Дилфуза Нафасова, Гулнора Панжиева, Мунаввар Шоназарова, Норбиби Худойбердиева, Қўзи Норбоева, Норбиби Норбоева, Холбиби Олимова сингари чеварларнинг ҳар бири кунига 150—200 килограммга етказиб ипак пахта териб, ҳамкасблари ўртасида пешқадам. Терилган ҳосил ўлчаниб, тележкаларга ортилмоқда. Мустафо Муртозаев, Ражабой Раҳимов, Қаноат Маматов, Ҳамро Абдураҳимов, Амир Чориев ва бошқа тележкачилар томонидан хом ашё қабул пунктларига узлуксиз суръатда етказиб берилаяпти. Оқ олтинни териш, тележкаларга ортиш, уларни белгиланган жойларга етказиб бериш жадал ташкил этилган.

Агроучасткада бўлган кунимиз тўй устидан чиқдик. Жамоа шу куни режани ошириб бажарди. Агроучастка бошқарувчиси Бўри Шоназаров енгил автомашина, илғор теримчи ва механизаторлар қимматбаҳо совғалар билан мукофотландилар.

— Давлатга 985 тонна ўрнига 1000 тоннадан ошиқ ипак пахта топширилди, — дейди Б. Шоназаров. Унинг 500 тоннаси уруғлик. Тайёрланган ҳосилнинг 80 фоизи ёки 800 тоннаси машиналар ҳиссасига тўғри келмоқда. Республикамиз мустақилликка эришган, ўз ҳақ-ҳуқуқини таниган, давлат сифатида тан олинган йилда хирмонни 1500 тоннага етказамиз. Уруғлик пахта етиштириш эвазига ҳозирнинг ўзидаёқ 3 миллион 426 минг сўм даромад кўрилди. Яна 1,5 миллион сўм қўшимча маблағ олиш мўлжалланмоқда.

Ж. ЮСУПОВ.

Қарши районидаги «Ленин йўли» совхози йирик пахтачилик хўжаликларидан бири. Заршунослар бу йил режадаги 3440 тонна ўрнига 4 минг тонна оқ олтин етказиб бериш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

— Хўжалигимиз пахтакорларига район матлубот жамияти ходимлари яқиндан кўмак бермоқдалар, — дейди совхоз директори Хўжам Қурбонов.— Улар етиштирилган ҳосилнинг сўнгги мисқолигача йиғиб-теріб олишда камарбаста бўлишаяпти.

Эътиборга сазовор яна бир жиҳати шундаки, пахтакорларга яқиндан ёрдам бераётган район матлуботчиларидан 110 киши «Қишлоқ ҳақиқати» рўзномасига 1992 йил учун обуна бўлишди.

СУРАТДА: йиғим-теримда жонбозлик кўрсатаётган Адолат Ҳошимова.

Хўжалигимиз районда биринчилар қаторида маррага етди. Давлат омборига 5,5 минг тоннадан ортиқроқ хирмон билан улуш қўшдик. Ялпи ҳосилнинг 90 фоизидан кўпроғи пўлат этаклардан тўкилди.

Деҳқоннинг қаноти, суянган тоғи — техника бизга ёрдамга келмаганда шундай зафарни тез кунда қучиш, юзимизнинг ёруғ бўлиши амри маҳол эди. Давлат хўжалигимиз пахтазорларида 700 дан зиёд зангори кема кеча-кундуз ишлади. 1991 йил пахта

90 ФОИЗИ МАШИНАДА

ҳосили учун ҳар қачонгидан ҳам шиддатли кураш бўлди. Орол Собиров, Суюн Раҳмонов сингари ҳамкасбларим мавсумда 150—200 тоннадан пахта тердилар. Давлат хўжалигимиз пахтакорлари учун етарли шароит яратилди. Моддий манфаатдорлик яхши йўлга қўйилди. Ҳар бир пўлат от чавандозига терган 1 тонна пахтаси учун 40 сўмгача ҳақ тўланди. Теримчиларга эса ҳар бир килограмм пахта учун 40 тийиндан пул берилди. Меҳнат интизоми ва моддий манфаатдорликнинг яхши йўлга қўйилиши туфайли биз қисқа муддат ичида йиғим-теримда юксак намуна кўрсатиб, зафар қучишга эришдик. Мен ҳам ҳамкасбларимдан ортда қолганим йўқ. Ҳозиргача терган пахтам 200 тоннага етди. Давлат хўжалигимизда шу кунларда ошириллган мажбурият ҳисобига хом ашё топширилмоқда. Биз хўжаликнинг ялпи ҳосилини 6 минг тоннага етказиш учун суръатни бўшаштирмай меҳнат қилаяпмиз.

А. ҲАЙДАРОВ,
Муборак районидаги Аметхон Султон номли давлат хўжалигининг механик-ҳайдовчиси.

ПУДРАТ ҚЎЛ КЕЛДИ

Қамаши ноҳиясидаги Ленин номли жамоа хўжалигининг Сапд Шукуров бошлиқ пахтачилик бригадасида ҳосилни териш уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Теримда пудратчилар орасида қаҳрамон она Шарофатхон Муртозоева етакчилик қилаётган оила аъзолари пешқадамликни қўлдан бермай келаяптилар. Улар ҳар куни эл хирмонига 700—800 килограммдан пахта териб тўкишмоқда.

Ўтган йили илғор пудратчилар 5 гектар ердан пландаги 27 центнер ўрнига 42 центнердан ҳосил етиштирган эдилар. Меҳнатга яраша манфаатдорлик деганларидек, оила 28 минг сўм даромад олди. Бу йил эса миришкорларнинг аҳди янада улуғ. Улар бу йил 4 гектар ерда ғўза ўстириб, ҳар гектаридан 28 центнер ўрнига 35 центнердан оқ олтин олиш ниятида меҳнат қилмоқдалар. Пахта йиғим-теримида 11 фарзанднинг барчаси иштирок этмоқда. Айниқса бу ишда Ҳусниддин, Музаффар, Асомиддин, Самариддин, Дилдора, Ҳакималар ва келини Зилолахон яқиндан ёрдам беришмоқда.

* * *

Насибада шифокор бўлишга қизиқиш жуда эрта уйғонди. Шу мақсадда ўрта мактабни тамомлаб, Шаҳрисабз тиббиёт билим юртининг даволаш бўлимига ўқишга кирди. Қунт ва чидам билан ўқиб, ўрта маълумотли тиббиёт ҳамшираси бўлиб етишди. Мана бир неча йилдирки, Насиба Эштемирова ўзи туғилиб ўсган Бердали қишлоғи аҳолиси соғлиги йўлида хизмат қилмоқда. У беморлар билан ҳамиша хушмуомалада бўлади. Ҳар бир дақиқадан фойдаланиб, одамлар кўнглини олишга ҳаракат қилади.

Шу кунларда эса бу ҳамширани пахта йиғим-теримида фидокорлик кўрсатиб ишлаётган теримчилар, дала дарғалари ҳузурида учратиш мумкин. Насибанинг хизматидан Ленин номли жамоа хўжалигининг аъзолари доимо миннатдор бўлмоқдалар.

Ў. ҚИЛИЧЕВ.

Ўзбекистон халқ шоири Шукрулло 70 ёшда

ЗУККО ШОИР, МОҲИР АДИБ, ДИЛКАШ УСТОЗ

Тахминан ўн ёшларда эдим. Хива районида чиқадиган рўзнома қошидаги адабиёт тўгарагига қатнардим. Ўша ерда каттароқ ёшдаги кимдир иккинчисини ёмонлай бошлади. Шунда тенгдошларимдан бири — ҳозир Абдулла Қодирий номли Тошкент маданият олий билимгоҳининг мударриси — В. Алимасов Шукруллонинг ўша пайтдаёқ биз ёд биладиган тўрт қатор шеърини ўқиди:

Узоқдан ойда ҳам
кўринади доғ,
Яқиндан боқсанг
тиниқдир балки,
Сиртдан баҳо берма
одамга мутлоқ—
Ёмон деганингнинг
тозадир қалби.

Бу мисралар сабаб бўлиб бир-бирини ёмонлаётган икки томон гапдан тўхтади.

Шукрулло аканинг 70 йиллик тўйи сабаб бўлиб бу воқеани эслашим бежиз эмас. Бир назм ихлосманди сифатида 30 йилдан бери устозининг шеърларини ўқиб келаман. Бу мисралар шоир юрагида, турли пайтларда туғилган ҳис-туйғуларнинг акс садоси. Аммо бу ҳис-туйғуларни кўпчилик ҳолларда ўйчанлик, фалсафийлик бошқариб боради, мақсад ётиғи билан ифодаланади.

Фикримиз қай даражада ҳақиқатга яқинлигини адибнинг «Жавоҳирлар сандиғи» асаридан олинган қуйидаги эътироф ҳам тасдиқлайди: «Халқ орасида: «Тўғри гап туққанингга ёқмайди, «Онангни отангга бепардоз кўрсатма» деган гаплар бор. Каллага келган ҳамма фикрни орқа-ўнгига қарамай, ҳақ деб айтавериш аҳлдан бўлмаса керак. Маҳорат дегани ҳақиқатни одамлар кўнглига маъқул бўладиган қилиб айтиб бериш эмасмикан?»

Дарвоқе, шоир кўпчилик ҳолларда ўзи эътироф этган нафосат ақидаларига содиқ қолади. Фикрларини ётиғи билан, майинроқ, юмшоқроқ қилиб айтишга интилади.

Шукрулло ҳамма яхши шоирлар каби эзгулик ва ёмонлик, садоқат ва хиёнат, бахт ва бахтсизлик, камтарлик ва димоғдорлик ҳақида ёзади. Бироқ у нима ҳақида ёзмасин, ҳамиша майин услубга содиқ қолади, «ҳақиқатни одамлар кўнглига маъқул бўладиган қилиб» айтади.

Албатта, ҳар қандай фикр каби Шукрулло услуби ҳақидаги бу гап ҳам нисбий. Зеро, у ҳам ёмон одамлар ҳақида ёзганда қайсидир даражада ғазаб-нафратини тўкиб солади, яхши одамларни улуғларкан, уларга хайрихоҳ бўлади. Бироқ ҳар икки ҳолда ҳам ҳис-туйғуларига жўшқин руҳли шоирларчалик кўп эрк бермайди.

Айтайлик «Сўнгги нафас», «Қарғалар», «Қабр тоши», «Йўлбарс боласи» шеърларида мана мен деб юрган шоирлар айтиши мумкин бўлган фикр-туйғулар ифодаланади, шуҳратпараст ва ёвуз одамлар нишонга олинади. Аммо фикрлар кескинлаштирилгани каби ёмон одамларнинг авраастари ҳам ағдариб ташланмайди. Бу Шукрулло ижодининг камчилиги эмас, ўзига хослиги деб қаралиши лозим.

Шоир «Йўлбарс боласи»да ёшлигида беозор бўлиб, бирон имконият, куч-қувватга эришгач, ёвузлик қилувчи одамларни мўлжалга олади. Йўлбарс боласининг кўриниши, қилиқлари, одамларга муносабатини бериб, кошки эди, бу йўлбарс ҳамиша ёшлигидагидай мулойим ва бағараз бўлиб қолса, деб қўяди. Ёки «Қарғалар» шеърида одамларнинг яхши кунида эмас, ёмон кунида хурсанд бўлувчи кишилар ҳақида сўзларкан, қоронғи тушиши билан мозористондаги дарахтлар устига келиб қўнувчи қарғаларга ишора қилади. Ўша одамларни совуқлик, ёмонлик рамзи бўлган қарғаларга ўхшатади:

Улар тиригида лоқайдлар
баъзан,
Дарду ғамларидан
бўлганлар нари.
Аммо ўлганда-чи?
Бўлиб меҳрибон,
Қабрга келурлар
қарға сингари.

Бироқ бу фикрларни бошқа бир жўшқин табиатли шоир айтганида балки масалани яна зиддиятлироқ қилиб, бўрттириброқ чизар, «эҳтимол лоқайдлар баъзан» эмас, «тош каби лоқайд» дерди.

Шукрулло қора ниятли қабиҳ одамларни фош этувчи ҳажвий асарларидагина эмас, ним табассум уйғотувчи шеърларида ҳам, пахтакор меҳнати ёки яхшилик, одамгарчилик ҳақида ёзганида ҳам ана шундай «одамлар кўнглига маъқул бўладиган» сокин ва босиқ усулни қўллайди. Бу хил шеъларида у ҳаётдаги айрим қулгили воқеаларни, устомон, манфаатпараст одамларни қаламга олади. Бу хусусият «Жанжалсиз уй», «Баъзилар дўст билан...» сингари қатор шеърларида сезилади.

Албатта, Шукрулло услубида воқе бўлган бу хусусиятларнинг пайдо бўлиш сабаблари бор. Аввало шуни айтиш керакки, у ижод қила бошлаган йилларда (1946 йилдан 50-йилларнинг ўрталаригача) ҳаёт мураккабликлари, камчиликлар ҳақида кам гапирилар, гапирганда ҳам ишора қилиш, ижобий фактлар ёнида айрим салбий фактларни қайд этиш услуби қўлланиларди, холос.

Шоирнинг майин услубига кўпчилик ҳолларда содиқ қолишининг яна бир сабаби бор. Буни Қайсин Қулиев Шукруллонинг «Разговор по душам» номли китобига ёзган сўз бошисида қисман кўрсатиб, шундай деган эди: «Отасининг характерли хислатлари: кўнгилчанлиги, одампарварлиги, фидойилиги, меҳнатга ва шеъриятга муҳаббати ўғлининг қалбида ва ижодида чуқур из қолдирмаслиги, характерига сингиб кетмаслиги мумкин эмас эди».

Дарвоқе, Шукрулло ижодига ота-боболар, қолаверса халқимиз руҳидаги майинлик, табиатга, инсониятга улкан меҳр билан қараш каби хусусиятлар ҳам ўтган. У инсон ва ижодкор сифатида одамларга, халққа яхшилик қилиш истаги билан яшайди. Шоир билан гаплашиб қолсангиз халқнинг тақдири, адабиётнинг келажаги, одамларимизнинг маънавий дунёсидаги турфа ўзгаришлар уни қанчалик ҳаяжонга солишини ҳис этасиз.

Шукрулло том маъноси билан халқ фарзанди. У оддий меҳнаткашлар орасида кўп бўлади. Керак бўлса, уларнинг характеридаги фазилатлар, имон-эътиқодидаги эзгуликларни ўрганади, қаламга олади. У «Сенинг ақлинг шеъримга безак», дейди оддий ўзбек деҳқонига. Унинг кўпчилик шеърларига оддий ўзбек кишисининг ўй-туйғулари, ўзига хос фалсафаси сингиб кетганининг сабаби шундан.

Маълумки, Умар Хайём, Алишер Навоий каби классиклардан тортиб ҳозирги шоирларгача инсонга катта бир меҳр билан ёндашадилар. Умар Хайёмнинг «Бир ғариб кўнглини қила олсанг шод, яхшидир ер юзин қилгандан обод» мисраларини бутун Шарқ шеъриятига эпиграф қилиб қўйиш мумкин. Шукрулло ижоди ҳам шу эпиграф остида янада маънодорроқ бўлиб кўринади. Зеро, у ҳам бошқа Шарқ шоирлари каби инсонга алоҳида меҳр билан қарайди: «Бир одам кўнглини овлай олдингми, инсонинг кўнглидан борми кенг олам», дея уни улуғлайди. Унингча, одам одамга фақат меҳр-шафқат кўзи билан қараши, ҳамиша бировларга яхшилик қилиш истаги билан яшаши, эзгу хислатлар унинг қон-қонига сингиб кетиши лозим:

Ҳатто тупроққа ҳам
мен айланаман,
Бир гул ундирмоққа агар
ярасам.

Шукрулло лирик қаҳрамони нуқтаи назарича, инсон зоти гўдакдай ҳалол ва покиза бўлиши, ҳамиша халқ ва ҳақиқат тарафида туриши лозим. Шоир адабиётни, шеъриятни худди шу хил имон-эътиқодини барқарор қилувчи восита деб билади. Унингча, шеърият кишини одамгарчиликка, яхшиликка ўргатиши, димоғдорлик, манфаатпарастлик каби ёмон иллатлардан қутулишига ёрдам бериши лозим:

Шеърларим, бир одам
каби,
Инсонларга бўлиб
ҳамнафас,
Самимий дўст, бир ҳамдам
каби,
Кўнгилларни овлай
олсанг бас.

Шоир кўпчилик ҳолларда шеъриятнинг олам ва одамни тарбиялашдаги ўрнига ишонади. Шеър учқун, учқундан аланга пайдо бўлади, шеър бир томчи, томчи харсангларни тешади, кўприкларни ўпиради, дейди у.

Шеърият улкан ва масъулиятли вазифаларни бажариш учун ғоявий-бадиий жиҳатдан юксак бўлиши, инсон дилини забт этадиган даражага етиши лозимлигини шоир тўғри ҳис этади. Шунинг учун ҳам инсонни яхшиликка ундовчи поэтик ғояларни илгари суриш билан бирга гўзал ва ёқимли тасвирлар чизади. Мунаққид Иброҳим Ғафуров айтганидай: «у тасвирлайман деса, қишни баҳор тароватига тўлдириб юборади».



Шоир табиат образини чизиб берган кўпчилик шеърларида дастлаб атроф-муҳитнинг тасвирини берадида, сўнг гапни ҳаётга, инсонга боғлайди. Бир шеърида табиат ва жонзотлар ҳақидаги гаплардан кейин: «Қандай одам севмас тинчлик баҳорин» деб қўяди. «Кун қорайиб ботди...» деб бошланадиган шеърда қиш гўзаллигини тасвирлаб турадию оддийгина бир воқеани —қиз ва йигитнинг бир-бирига қор отганини айтади. Сўнг: «Гул отгандай бўлди иккиси шу кез, севги фасли кўклам демаклик бекор», деган поэтик хулосага келади. Киши қалбида муҳаббат аталмиш сеҳрли олам ҳоким бўлиб турганда қиш ҳам баҳор бўлиб кўринишини нозик ҳис этади.

Шукрулло табиатан ўз лирик қаҳрамонига ўхшайди. У шеърларида инсонларга яхшилик қилиш, уларнинг оғирини енгиллаштириш ҳақида кўп ёзади. Ва яхши томони шуки, ўзи ҳам ёзганларига амал қилади. 70-йиллар бошида А. Ориповнинг ўрта йиғинларда ҳимоя қилибгина қолмасдан махсус мақола ёзиб «Литературная газета»да чоп эттирди.

Шукрулло ака шеърларини ёқтирган шогирдларига оқ йўл тилаш, уларнинг китобларига сўзбошилар ёзиш ва чоп эттириш билан бирга ҳаётда ҳам суяб юборган пайтлари кўп бўлган.

Шундай воқеани яхши эслайман. Шукрулло аканинг эрка шогирдларидан бири қарз сўраган оҳангда: «Устоз уйланадиган бўлиб қолди-гу, пул йўқ» — дейди.

— Майли, — дейди Шукрулло ака — минг сўм етадими?»

«Етишга етади-ку (у пайтлар минг сўм катта пул эди), уни уза олишимга кўзим етмаяпти, устоз?!»

— Ҳа, майли, сен тинчиб ували-жували бўлиб кетсанг бас, мен берганимни, сен олганингни эсингдан чиқаролам гулистон», дейди шоир.

Шукрулло ошкоралик, қайта қуриш бошланган кейинги йилларда ижодкор сифатида ҳам, инсон сифатида ҳам фаоллашди. Қайта қуриш шабадалари эсаётган 80-йилларнинг ўрталаридаёқ «Аср баҳси» достонини чоп эттириб, унда юртимиз экологиясининг бузилганлигини, инсон имони дарз кетиб, жамият ҳалокатга юз тутганини жўшқин бир усулда ифодалаган эди.

Шукрулло ака улуғ ёши сабаб гоҳ-гоҳ фаоллиги сусайиб, турли таъсирларга берилиб туришини ҳисобга олмаганда, халқ ва ҳақиқат йўлида кўпинча собит турадиган инсон. Ошкоралик, демократия шабадалари эсиб халқ ҳаракати тузилганда Шукрулло ака биринчилардан бўлиб унга хайрихоҳлигини билдиргани, ишларни тўғри йўналтиришда бош-қош бўлгани кўпчиликнинг эсида...

Шукрулло ака яхши инсон ва шоиргина эмас, моҳир драматург ва носир (унинг бу хил асарлари алоҳида мақолаларга мавзу бўлади), ажойиб устоз, дилкаш суҳбатдош. Унинг шеърларини ўқиганингизда бошидан кўп нарсалар ўтган, аммо эътиқодидан кечмаган, қалбидан кечганларнинг ҳаммасини эмас, айтишни лозим деб топганларингигина ифодалаб, инсонга, ҳаётга меҳр-муҳаббат уйғотишга аҳд қилган, зукко ва кўнгилчан бир сиймо кўз олдимизга келади. Агар шеърларини диққат билан берилиб ўқисангиз, Қ. Қулиев айтмоқчи, уни севмасликнинг иложи қолмайди. Шу билан бирга ҳозир 70 баҳорни кўрган шоирнинг узоқ ва самарали умр кўришини, айтмаган, айтишга улгурмаган жуда кўп фикрларини яна юксакроқ маҳорат билан ифодалашини, ҳаётда ва ижодда унга ҳамиша омад ёр бўлишини тилаймиз.

Ботир НОРБОЕВ,
филология фанлари номзоди.

ТУРФА ОЛАМ

ОШХОНАЛИ АВТОБУС

Бельгиянинг автомобиль фирмаси сайёҳлар учун мўлжалланган махсус автобус нусхасини яратди. Унинг ўзунлиги 15 метр, эни 2,6 метр, баландлиги 4 метр. Янги автобус 69 кишини ташишга қодир бўлиб, унча катта бўлмаган ресторан, ҳожатхона ва юклар сақланадиган бўлмага эга.

ИХТИРОЧИ ПАРВОЗИ

Ҳозирги кунда фазо вакилларининг пайдо бўлиши тўғрисидаги миш-мишлар кишиларни ўйлантирмоқда. Шу боис кўпгина ғаройиб ҳодисаларни ўзга сайёраликлар номига боғлаш одат тусига кирмоқда.

Руминиянинг Журжу шаҳри аҳолиси яқинда ярим кечада Мирчо Радулеску деган кишининг ўзга сайёраликлар учиб келишаяпти» деган қичқириқларидан ташвишга тушди. Ҳамма кўчага отилиб чиқди. Осмоннинг шарқий қисмида кўриниб турган ўт аста-секин шаҳар чеккасидаги далага тушди. Одамлар ўша томонга чопдилар. Маълум бўлишича, бухарестлик толиб Тобор Братнану ўзи ясаган ҳаво шарида учган экан. Парвоз пайтида устки баллон тешилиб, бу ердан газ чиқа бошлабди ва шар пастга шўнғибди. Ноилож қолган Братнану бошқалар эътиборини тортиш учун чўнтак чироқчаси билан сигнал бериб-ди...

ҚАДИМГИЛАР ТАОМИ

Қадимги одамлар — мева ва ўтларни тўпловчи ёвчилар парҳез қилгани ҳаммани ҳайратга солиши мумкин. Олимлар аждодларимиз еган таомда клетчатка беш баравар кўп, туз тўрт карра, ёғ икки ҳисса оз бўлганлигини аниқладилар. Улар дастурхонида гўшт ҳам ниҳоятда кам бўлган экан.

СПОРТЛОТО 42-ТИРАЖ НАТИЖАЛАРИ

«Спортлото «45 дан 6»: 2, 7, 21, 26, 40, 41.

«Спортлото «36 дан 4»: 3, 6, 20, 26, 28.

Реклама ва эълонлар

БИККС

СИЗНИНГ МУВАФФАҚИЯТИНГИЗ УМУМИЙ ИШИМИЗГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ!

Сизнинг бирон-бир маҳсулотни — ускуналар, хом ашё, транспорт воситасини сотиб олиш ёки сотиш билан, у ёки бу хизмат билан боғлиқ муаммоларингиз бўлса,

«БИККС-АЛИНА» брокерлик фирмаси уларни ўз зиммасига олишга тайёр.

«БИККС-АЛИНА» брокерлик фирмаси мамлакатимизнинг энг йирик 8 фирмасида: Россия мол-хом ашё, Москва мол фирмаси, Россия деҳқончилик биржасида, «Санкт-Петербург» биржасида, Бутунроссия кўчма мулк биржасида, «ТОШКЕНТ» универсал мол биржасида, Қирғизистон мол-хом ашё биржасида, Россия ўрмон биржасида ўз идораларига эга. Шунингдек **«БИККС-АЛИНА»**, турли биржалардаги яна 18 та брокерлик идоралари билан ҳамкорлик қилади.

Ахборот-брокерлик хизматига узоқ муддатли шартномалар тузилган тақдирда **«БИККС-АЛИНА»** фирмаси ўз мижозларига брокерлик фоизидан маълум қисмини чегириб ташлайди, олдисотди тугаганидан сўнг 24 соат мобайнида уларни биржадаги нархлар, моллар, хизматларга доир тўлиқ ахборотлар билан таъминлайди.

Бозорни яхши билиш, кенг алоқалар, тажрибали брокерлар ва самимий муносабатлар муаммоларингизни биргаликда ҳал қилишимизга ёрдам беради.

Бизнинг манзилимиз: Тошкент—146, Зебо Шамсуддинова кўчаси, 2-боши берк кўча.

ТОШКЕНТДАГИ телефонлар: 91-31-08, 98-64-53, 68-70-35.

ТОШКЕНТДАГИ телефакс: 8-3712-90-41-97.

МОСКВАДАГИ телефонлар: 193-84-03, 457-20-85, 181-65-30.

МОСКВАДАГИ телефакс: 8-095-200-22-16, 200-22-17.

«БИККС-АЛИНА» УЮШМАСИ.

ЯХШИ ЖИҲОЗЛАНГАН ХИЗМАТ ХОНАСИ— ФИРМАНГИЗ ҚИЁФАСИ

ЯХШИ ЖИҲОЗЛАНГАН ХИЗМАТ ХОНАСИ — АЪЛО КАЙФИЯТ, АЪЛО БИЗНЕС ДЕМАКДИР.

Агар сиз хизмат хонангизга, қаҳвахона ёки концерт залингизга замонавий ва ўзига хос қиёфа бағишламоқчи бўлсангиз, «БИККС-АЛИНА» УЮШМАСИ СИЗГА ЁРДАМ БЕРАДИ.

Биз турли-туман манзарали пардозлаш материалларидан қуйидагиларни таклиф қиламиз:

темир ва чарм билан пардозланган девор панеллари;

тилларанг ва оқ тусли алюминийдан турли бадиий услубларда ясалган осма шиплар;

ўзига хос шаклдаги ШАМЧИРОҚЛАР. Улар девор ва шипларнинг металл безаклари билан яхши уйғунлашиб кетади, хона ўзига хос ёритилади.

Маҳсулотларимиз енгил йиғилади, улардан фойдаланиш осон, узоқ вақт хизмат қилади.

Ўз уйим ўлан тўшагим, дейишади. Аминмизки, «БИККС-АЛИНА» фирмасининг жиҳозлари билан безатилган хоналар Сизга ғоят ҳузур бағишлайди.

Манзилимиз: Тошкент—146, Зебо Шамсуддинова кўчаси, 2-боши берк кўча.

Тошкентдаги телефонлар: 91-31-08, 98-64-53, 68-70-35.

Тошкентдаги телефакс: 8-3712-90-41-97.

Москвадаги телефонлар: 193-84-03, 457-20-85, 181-65-30.

Москвадаги телефакс: 8-095-200-22-16, 200-22-17.

«БИККС-АЗИЯ» УЮШМАСИ.

ЎЗ ВАҚТИНИ ҚАДРЛАЙДИГАНЛАР УЧУН:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ЖАМҒАРМА БАНКИ

якка тартибда ва узоқ муддатли топшириққа кўра уй, газ, электр энергияси, телефон, болалар муассасасига, коммунал ва бошқа хизматларга тўлаш учун нақд пулсиз жамғармангиз ҳисобидан олиш йўли билан

ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШНИ АМАЛГА ОШИРАДИ

Топшириш варақаларини расмийлаштириш учун бланкаларни Ўзбекистон Республикаси Жамғарма банкининг истаган бўлимидан олишингиз мумкин.

нақд пулсиз ҳисоб-китоб замонавий кишининг иш услубидир!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ЖАМҒАРМА БАНКИ

«СОЮЗРЕКЛАМА» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ «САРБОН» ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ

Наманган ички ишлар бўлими ташаббуси билан бир нечта гўшт сотувчи дўконлар иш бошлади. Ларда мол гўшти кооперативлардагидан анча арзон нархда сотилмоқда. Яратилган бу имкониятдан аҳоли беҳад мамнун.

СУРАТДА: янги дўкондан одамлар гўшт харид қилмоқда.

А. КОВТУН олган сурат. (ЎзТАГ).

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

Саксонинчи йилларда моҳир ўйинчи сифатида шуҳрат таратган Мишель Платини мураббийлик қилаётган Франция терма жамоаси Европа чемпионати саралаш мусобақалари қатнашчиларидан биринчи бўлиб финал босқичига йўлланмани нақд қилиб қўйди. Чехословакия, Испания, Исландия, Албания терма жамоалари билан биринчи саралаш гуруҳида баҳс юритган францияли футболчилар ўтказилган етти учрашувнинг барчасида ғалабага эришиб, рақибларига имкон қолдиришмади.

Шундай қилиб, 1992 йили Швеция футбол майдонларида ўтадиган Европа чемпионатининг уч қатнашчиси маълум бўлди. Булар мезбон ва чемпион сифатида саралаш ўйинларидан озод қилинган Швеция ва Голландия терма жамоалари, шунингдек муддатидан аввал йўлланмани қўлга киритган Франция терма жамоасидир.

Совет Иттифоқи командаси ҳам 12 октябрда Москвада итальян футболчиларидан устун келганида Европа чемпионати финал босқичига бўлган йўлланмани муддатидан илгари олиши мумкин эди. Лекин кескин ва ҳаяжонли кечган учрашувда ҳисоб очилмади. Энди совет футболчилари йўлланмани қўлга киритишлари учун Кипр терма жамоаси билан унинг майдонида ҳеч бўлмаса дуранггa эришишлари керак. Бу ўйин 13 ноябрда ўтказилади. Кипрлик футболчилар III саралаш гуруҳидаги олти ўйиннинг барчасини бой берганликларини ҳисобга олсак, футболчиларимиз олдида турган вазифа унчалик қийин эмасдек кўринади. Аммо «тўп думалоқ» деганларидек, футболда ҳар қандай кутилмаган ҳодиса бўлиши мумкин. Шу боис ҳозирча дангал бир нима дейиш қийин.

* * *

СССР чемпионати олий лигасида олтин медаллар учун Москванинг «Спартак» ва МАСК жамоалари қизғин кураш олиб боришмоқда. Улар мос равишда 41 ва 39 тадан очко жамғаришган. Учинчи ўринни эгаллаб турган Киев динамочиларида 33 очко бор. Бинобарин, уларнинг олтин медаллар учун баҳсга аралашишлари қийин. Чунки жамоалар бор-йўғи яна иккиучтадан ўйин ўтказишлари керак.

«Пахтакор» жамоаси 23 очко билан ўн учинчи ўринни эгаллаб турибди. Футболчиларимиз олий лигадаги ўринларини сақлаб қолишлари учун қолган ўйинларда астойдил тўп суришлари зарур. Зотан, улардан орқада турган «Металлист» ва «Спартак» (Владикавказ) жамоаларида 21 ва 22 очко бўлиб, озгина бўшашиш рақиблар олдинга ўтишига олиб келиши мумкин.

* * *

Мамлакат чемпионати биринчи лигасида Ўзбекистон спорти шарафини ҳимоя қилаётган Наманганнинг «Навбаҳор» ва Фарғонанинг «Нефтяник» жамоалари 39 тадан очко жамғариб, тўққизинчи-ўнинчи ўринларни банд қилиб туришибди.

Ш. АЛЛАМОВ.

Муҳаррир Н. ЕҚУБОВ.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ, «ЎЗПЛОДООВОШЧВИНПРОМ» КОНЦЕРНИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, «ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАРИ ЖАМОАСИ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 32-54-44, 33-16-27, 32-54-42. Маъсул котиб — 33-09-93, 32-56-26. Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51, 33-54-33. Қайта ишлаш саноати бўлими—32-54-48. Советлар ва ижтимоий ҳаёт бўлими — 32-56-34. Чорвачилик бўлими— 32-56-22. Мелиорация ва қишлоқ қурилиши бўлими. —32-56-30. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 33-54-33, 32-56-37, Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-54, 32-56-37. Шиковт, хат ва маъмурий органлар бўлими — 32-54-49, 32-54-52. Безатиш бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. 700.000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. Нашр кўрсаткич — 64.602, 68.753 нусхада чоп этилади. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 22.40 Буюртма №